Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ✦ 4 ноябрь 1973 йил, якшанба ◆ № 261 (15.735). ◆ Баҳоси 2 тийин.

ДЎСТОНА УЧРАШУВ

1973 йил 2 ноябрда Кремлда Совет Иттифоқи ва Болгария Халқ Республикаси партия ҳамда давлат арбоблари ўртасида дўстона учрашув бўлиб ўтди. Учрашувда:

Совет томонидан — КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Н. В. Подгорний, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитети секретари К. Ф. Катушев, КПСС Марказий Комитети аъзоси, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ёрдамчиси К. В. Русаков;

Болгария томонидан — Болгария Компартияси Марказий Комитети Биринчи секретари, Болгария Халқ Республикаси Давлат кенгаши Раиси Т. Живков, БКП Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, БХР Министрлар Совети раисининг ўринбосари П. Кубадинский, БКП Марказий Комитети аъзоси, БХР ташқи ишлар министри П. Младенов, БХР Халқ мудофаа министрининг биринчи ўринбосари А. Семержиев, БКП Марказий Комитети аъзоси, Болгария Ёзувчилар союзининг раиси П. Зарев, БКП Марказий Комитети аъзоси, БКП Марказий Комитети Биринчи секретарининг ёрдамчиси М. Балев, БКП Марказий Комитети аъзоси БХРнинг СССРдаги элчиси Д. Жулев.

Дўстона суҳбат чоғида болгариялик ўртоқлар Болгария партия-ҳукумат делегациясининг Корея Халқ Демократик Республикасига ва Монголия Халқ Республикасига қилган визитларининг тассуротлари ҳақида ўртоқлашдилар. Бундай визитлар социалистик мамлакатлар ўртасида ҳамкорликни янада мустаҳкамлашда катта роль ўйнайди, деган умумий фикр изҳор қилинди.

Учрашув иштирокчилари Совет — Болгария муносабатларининг асосий жиҳатлари тўғрисида фикрлашиб олдилар. Бу муносабатларнинг юксак даражада ривожланаётганлиги зўр мамнуният билан таъкидланди. Томонлар социалистик мамлакатлар ўртасида ҳамкорликни чуқурлаштиришга ўз ҳиссаларини қўшишга тайёр эканликларини яна таъкидладилар.

Суҳбат чоғида бир қанча халқаро проблемалар муҳокама қилинди.

Совет ва Болгария раҳбарлари империализмнинг агрессив кирдикорларига қарши курашмоқ учун, халқаро муҳитни янада соғломлаштиришга ёрдам бериш учун барча қитъаларда тинчлик тарафдорларини сафарбар қилиш ва жипслаштиришда тинчликсевар кучларнинг Москвада бўлиб ўтган Жаҳон конгрессининг аҳамиятига юксак баҳо бердилар.

Умумевропа кенгашининг иккинчи даврини барча манфаатдор мамлакатлар билан биргаликда муваффақиятли ўтказишга ҳамда олий даражадаги якунловчи даврини ҳеч қандай сунъий тўсиқсиз ўтказишга эришишга қатъий аҳд қилганликларини томонлар таъкидлаб ўтдилар. Халқлар шу кенгашдан Европада сиёсий иқлимни янада соғломлаштириш, Европадаги давлатлар ўртасида ҳар томонлама тинч ҳамкорликни ҳамма чоралар билан ривожлантиришга амалий қадамлар қўйилишини кутмоқдалар.

Совет Иттифоқи билан Болгария Марказий Европада қурол-яроғларни ва қуролли кучларни биргаликда камайтириш тўғрисида Венада музокаралар бошланганлигини мамнуният билан уқтириб ўтадилар ва бу музокаралар Европа қитъасида ҳарбий кескинликни камайтириш ишида муҳим роль ўйнаши керак, деб ҳисоблайдилар.

Яқин Шарқдаги вазиятга алоҳида эътибор берилди. Томонлар Совет Иттифоқининг ва Болгариянинг Исроил босқинчилик сиёсатига қарши араб халқлари олиб бораётган адолатли кураш билан доимо бирдамликларини билдирдилар. Исроил ҳарбийларининг ёвузларча ҳаракатларини кескин қоралаб ва улар Хавфсизлик Кенгашининг қарори Исроил томонидан дарҳол ва тўла бажарилишини, Исроил агрессиясининг оқибатлари туғатилишини, Яқин Шарқда мустаҳкам ва адолатли тинчлик барқарор қилишни талаб қилганликларини таъкидлаб ўтдилар.

Совет ва Болгария партия ҳамда давлат арбоблари Осиё, Африка ва Латин Америкаси мамлакатлари билан ҳамкорликни янада ривожлантириш, уларнинг миллий мустақиллик ҳамда иқтисодий мустақиллиги мустаҳкамлаш йўлида олиб бораётган курашини қўллаб-қувватлаш томонида эканликларини билдирдилар.

СССР ва БХР кескинлик камайган зонанинг кенгайтирилиши кескинликни камайтириш жараёнининг бутун дунёга ёйилиши барча мамлакатлар халқларининг орзу-умидларига мувофиқ бўлар эди, деб ҳисоблайдилар. Шу муносабат билан улар Осиёда коллектив хавфсизлик системасини тузишнинг конструктив ғояларини амалга ошириши муҳим эканлигини уқтириб ўтдилар. Томонлар КПСС XXIV съезди қабул қилган Тинчлик программасининг изчиллик билан амалга оширилиши халқаро муносабатлардаги ижобий тенденцияларнинг барқарор руҳда бўлишига имкон берилишини таъкидлаб ўтдилар.

Совет ва Болгария партия ҳамда давлат арбобларининг учрашуви самимий дўстона вазиятда ўтди ҳамда муҳокама қилинган барча масалалар юзасидан томонларнинг тўла ҳамжиҳатлигини ва бир фикрда эканлигини кўрсатди.

* * *

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси 2 ноябрда БКП Марказий Комитети Биринчи секретари, БХР Давлат кенгаши Раиси Т. Живков шарафига зиёфат берди.

Зиёфат чоғида Л. И. Брежнев ва Т. Живков дўстона қадаҳ кўтардилар.

ДЎСТОНА ВИЗИТ ТУГАДИ

БКП Марказий Комитетининг Биринчи секретари, БХР Давлат Кенгашининг Раиси Тодор Живков 3 ноябрда ватанига жўнаб кетди. У қисқа муддатли дўстона визит билан Москвага келган эди. БКП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, БХР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари П. Кубадинский, БКП Марказий Комитетининг аъзоси, БХР ташқи ишлар министри П. Младенов, БКП Марказий Комитетининг аъзоси, БХР халқ мудофаа министрининг биринчи ўринбосари А. Семержиев, БКП Марказий Комитетининг аъзоси, Болгария Ёзувчилар союзининг раиси П. Зарев, БКП Марказий Комитетининг аъзоси, БКП Марказий Комитети биринчи секретарининг ёрдамчиси М. Балев Т. Живков билан бирга жўнаб кетдилар.

БХР ва СССРнинг давлат байроқлари билан безатилган аэродромда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг раиси Н. В. Подгорний, КПСС Марказий Комитети аъзоси, СССР Олий Совети Президиуми раисининг ўринбосари С. Б. Ниёзбеков, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари М. А. Лесечко, КПСС Марказий Комитетининг аъзолари Б. П. Бугаев, Н. М. Пегов, К. В. Русаков, КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат С. К. Цвигун, бошқа расмий кишилар болгариялик ўртоқларни кузатиб қолдилар.

Кузатиб қолувчилар орасида БХРнинг СССРдаги элчиси Д. Жулев, МХРнинг СССРдаги элчиси Х. Банзрагч, ҚХДРнинг СССРдаги муваққат ишлар вакили Пак Си Гвон бор эдилар. (ТАСС).

А. Н. КОСИГИН В. ШЕЕЛ БИЛАН СУҲБАТЛАШДИ

3 ноябрь куни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин расмий визит билан Совет Иттифоқига келган ГФР федерал канцлерининг ўринбосари, ташқи ишлар министри В. Шеелни Кремлда қабул қилди.

Суҳбат чоғида Совет Иттифоқи билан Германия Федератив Республикаси ўртасидаги икки томонлама муносабатларни янада ривожлантириш масалалари хусусида, шунингдек актуал халқаро проблемалар хусусида фикрлашиб олинди.

Ҳамжиҳатлик руҳида ўтган суҳбатда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, СССРнинг ГФРдаги элчиси В. М. Фалин, СССР Ташқи ишлар министрлиги коллегиясининг аъзоси А. П. Бондаренко, ГФРнинг СССРдаги элчиси У. Зам, ГФР Ташқи ишлар министрлиги бошқармаларининг бошлиқлари Г. Ван-Вель, П. Гермес қатнашдилар.

(ТАСС).

УЛУҒ ОКТЯБРЬ ШАРАФИГА

Олмалиқ мис эритиш заводи коллективи байрам арафасида катта ютуқларга эришди. Суратда корхонанинг илғор ишчиси Вали Фаттохов. У ўз шахсий беш йиллик планини бажариш арафасида турибди.

И. Глауберзон фотоси.

МЕҲНАТ ЗАФАРЛАРИ

Урганч районининг пахтакорлари давлатга пахта топшириш халқ хўжалиги планини муддатидан илгари бажардилар. Хўжаликлар ҳар гектар ердан 35 центнердан ҳосил олиб, тайёрлов пунктларига 41,3 минг тонна пахта етказиб бердилар. Тайёрланган пахтанинг ярмидан кўпроги механизаторлар томонидан терилди.

«СССР 50 йиллиги», К. Маркс номли, Ленин номли, Чапаев номли, Охунбобоев номли, «Пахтакор», «Партия XXI съезди» колхозлари давлат топширигини районда биринчи бўлиб уддаладилар.

Пахта йиғим терими қизғин давом этмоқда. Район меҳнатчилари ҳар гектар ердан 41,7 центнердан хирмон кўтариб, яппи пахта ҳосилини 49 минг тоннага етказишни мўлжалламоқдалар. Айни вақтда келгуси йил ҳосили учун белгиланган тадбирларни амалга ошириш соҳасидаги ишлар авж олдириб юборилди.

* * *

Охунбобоев районининг деҳқонлари давлатга пахта сотиш топшириғини муваффақиятли бажардилар. Тайёрлов пунктларига 57 минг тоннадан кўпроқ «оқ олтин» етказиб берилди. Район механизаторлари пахта териш машиналарининг бункерларидан 24 минг тонна пахта тўкдилар.

* * *

Ленин номли, Фрунзе номли, «Партия XXII съезди», «1 Май», Ленин йўли, «Ленинизм», «Иттифоқ», «Шарқ юлдузи», «Узбекистон» колхозларининг пахтакорлари ҳалқ хўжалиги планини муддатидан олдин бажариб, ҳозир қабул қилинган мажбуриятлар ҳисобига пахта топширмоқдалар.

Район меҳнатчилари ўз имкониятларини чамалаб, яппи пахта ҳосилини 65 минг тоннага етказиш учун кураш олиб бормоқдалар.

* * *

Тошлоқ районининг меҳнатчилари давлатга пахта сотиш халқ хўжалик планини муддатидан аввал бажардилар. Колхозлар пахта тайёрлаш пунктларига 45,7 минг тонна пахта етказиб бериш. Ер пахтанинг 23,2 минг тоннаси машиналарда терилди. Ҳосилдорлик гектар бошига 28,3 центнерга етказилди.

«Коммуна», Куйбишев номли, «Ленинград», Ленин номли, «Партия XXII съезди», «Москва», «Фарғона» Охунбобоев номли колхозлар халқ хўжалиги планини бажариш ишига катта ҳисса қўшдилар.

Пахта териш ва топшириш давом этмоқда.

Пахта пахтакорлари қабул қилган социалистик мажбуриятларини бажариш учун кураш олиб бормоқдалар.

4.850 МИНГ ТОННА УЧУН

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бериши тўғрисида

1973 йил 3 ноябрга бўлган маълумот

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Областлар	Бир кунда	Мавсум бошидан	Шу жумладан машинада: бир кунда	Шу жумладан машинада: мавсум бошидан
СИРДАРЕ	0,61	120,15	0,13	135,62
АНДИЖОН	0,25	113,74	0,41	135,31
ТОШКЕНТ	0,44	111,69	0,26	118,69
ҚАШҚАДАРЕ	0,34	111,11	0,54	102,49
СУРХОНДАРЕ	0,37	110,05	0,30	106,60
НАМАНГАН	0,46	107,17	0,39	148,08
САМАРҚАНД	0,77	105,15	0,20	133,80
ФАРҒОНА	0,45	104,25	0,22	119,92
ҚҚ АССР	0,72	102,40	0,60	105,46
ХОРАЗМ	0,71	102,16	1,11	97,83
Бухоро	0,38	85,65	0,74	94,12
Республика бўйича:	0,50	106,70	0,41	119,50
Шу жумладан мингчка толали пахта				
Қашқадарё	0,89	97,69		
Сурхондарё	0,66	97,02		
Бухоро	0,71	38,81		
Республика бўйича:	0,72	92,58		

ХАЛҚАРО ХАВФСИЗЛИК ВА ҚУРОЛСИЗЛАНИШ УЧУН, МИЛЛИЙ МУСТАҚИЛЛИК, ҲАМКОРЛИК ВА ТИНЧЛИК УЧУН

ТИНЧЛИКСЕВАР КУЧЛАР ЖАҲОН КОНГРЕССИНИНГ АХБОРОТИ

1973 йил 25-31 октябрда Москвада тинчликсевар кучларнинг Жаҳон конгресси бўлиб ўтди. Конгресс ижтимоий ҳаракатлар тарихида энг кенг анжуман бўлиб, 143 мамлакатдан 120 халқаро ташкилот ва 1.100 дан кўпроқ миллий ташкилот ва ҳаракатларнинг намояндаларини бирлаштирди.

Конструктив мулоқот руҳида етти кун мобайнида очиқ кўнгиллилик билан ўтган мунозара бизга турли позицияларни ҳисобга олган ҳолда ҳозирги замоннинг муҳим ва мураккаб проблемаларини ҳар тарафлама муҳокама қилиш имкониятини берди.

Жаҳон конгресси халқларнинг тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш йўлидаги курашида бурилиш нуқтаси бўлди. У энг хилма хил сиёсий ва бошқа маслаклардаги ташкилотлар ўртасида яхши ҳамжиҳатликни ва ҳамкорликни ривожлантиришга бебаҳо ҳисса қўшди. Бу эса бирталашиб ҳаракат қилишга янги далда беради.

Кейинги вақтларда халқаро майдонда юз берган кўпгина воқеалар умид бахш этади ва руҳлантиради. Иккинчи Жаҳон урушидан кейин биринчи марта, ўзининг оқибатлари жиҳатидан янада мудҳишроқ янги фалокатлар хавфи узоқлаша бошлаганлиги аломатлари кўрина бошлади. Тинчтотув яшаш ғояси ҳукуматлар томонидан ҳам ва ҳукуматлардан ташқарида ҳам ўзига тобора кўпроқ тарафдорлар тўпламоқда. Тинчлик ва халқлар хавфсизлиги тўғрисида ғамхўрлик қилиш фақат тор доирадаги йирик давлатларнинггина иши бўлиб қолиши мумкин эмаслиги тобора кенг миқёсда эътироф этилмоқда. Мана шу тушунча турли блоклар, гуруҳларга кирган ва блокларга қўшилмаган катта, ўрта, кичик давлатларни кескинликни тобора камайиши жараёнига ўз ҳиссасини активлик билан қўшишга, душманчилик, конфронтация ва ётсираш-дан амалий, тенг ҳуқуқли ҳамкорлик сари тарихий бурилишни мустаҳкамлашга руҳлантиради.

Лекин шу кунларда бўлаётган кўпгина воқеалар хавотирлантирмоқда, ташвиш туғдирмоқда. Жаҳоннинг бир районида кескинлик камайгани ҳолда бошқа бир районида кескинлик кучаймоқда ва агрессия юз бермоқда. Бу эса ҳеч шубҳасиз умуман халқаро муносабатларга ўзининг мудҳиш таъсирини кўрсатмоқда. Қуролланиш пойгасини камайтириш йўлида сарфланаётган куч-ғайрат ҳали ҳарбий саноат комплексларининг, милитаристик, очиқдан-очиқ фашист ва ирқчи режимларнинг жиддий қаршилигига дуч келмоқда. Мустамлакачиликни тугатиш жараёни давом этишига қарамай, турли формалардаги мустамлакачилик ҳали ҳам халқларни мустақилликдан ва ўз мамлакатида тўла ҳуқуқли хўжайин бўлиш сингари ажралмас ҳуқуқидан маҳрум қилмоқда. «Совуқ уруш» даврини тиклашга ва шу билан кейинги вақтларда халқаро муҳитнинг соғломлашаётганига ҳалақит беришга атайлаб уринилмоқда.

Бизлар жамоатчилик таъсиридан фойдаланиб, шундай бир вазиятда тинчликсевар кучлар нималарни қила олишлари мумкинлигини ва қилишлари кераклигини ўйлаб кўрдик. Бизлар ўз ўртамиздаги ихтилофларни бир чеккада қолдириб, тинчлик ва хавфсизлик сари бошланган ҳаракатга активлик билан ва ўзаро келишиб кўмаклашиш зарур деган хулосага келдик. Конгрессининг ўн тўрт комиссияси ўзининг самарали ишларига таяниб, шу комиссия мажлисларида бўлган мунозаларнинг ижобий натижаларини якунлади ва хулосаларни, проблемаларга умумий ёндашишни ишлаб чиқди. Биз аминмизки, бу проблемаларнинг муваффақиятли ҳал этилиши асримизнинг 70-йилларида эришилган муваффақиятлар планетамизда мустаҳкам тинчликни барқарор қилишга олиб келувчи гарантия бўлади.

Биз қуйидаги масалаларга жуда катта аҳамият берамиз.

ТИНЧ-ТОТУВ ЯШАШ ВА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

Ижтимоий тузумларидан қатъий назар, барча давлатларнинг тинч-тотув яшаш принципини ҳамма жойда эътироф этмасдан ва амалда бажармасдан туриб, тинчликни таъминлаш мумкин эмас.

Тинч-тотув яшаш шунчаки урушларнинг бўлмаслигидангина иборат эмас; тинч-тотув яшаш ҳар бир халққа унинг бузилмас чегаралари доирасида мустақилликни ва суверенитетни ҳимоя қилишга, шунингдек тинчлик ва социал тараққиёт манфаатларини кўзлаб халқларнинг бир-бири билан алоқа қилиб туриши ва биргалашиб ҳаракат қилишини таъминлайдиган ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантиришига имкон беради.

(Давоми иккинчи бетда).

ИНСОНИЯТНИНГ ПОРЛОҚ КЕЛАЖАГИ

Ўзбекистоннинг миллион-миллион меҳнаткашлари барча совет кишилари, планетадаги барча софдил кишилар билан бирга — тинчликсевар кучларнинг Москвада бўлиб ўтган Жаҳон конгресси ишини зўр эътибор билан кузатиб бордилар.

Тошкент шаҳри ва областининг меҳнатчилари ушбу тарихий анжуманнинг қатнашчилари — республикамизга келган бир қанча чет эллик таниқли жамоат арбоблари билан ҳозир ўтказилаётган учрашувларда конгрессининг ишини якдиллик билан маъқуллаётганликлари тўғрисида, конгресс ҳужжатларидан қандай хулосалар чиқариб олаётганликлари ҳақида гапириб бермоқдалар. Республика пойтахтининг етакчи корхоналарида, Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхозида баланд руҳ билан шундай учрашувлар ўтказилди.

3 ноябрда Ўзбекистон пойтахти жамоатчилигининг неча юзлаб вакиллари тинчликсевар кучлар Жаҳон конгрессининг иши якунларига бағишланган умумшаҳар митингига келдилар.

Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари В. В. Барабаш кириш нутқи сўзлаб митингни очди.

Конгресс делегати, Тинчликни ҳимоя қилиш Ўзбекистон республика комитетининг раиси М. А. Зоидов сўз олади.

Ватанимизнинг пойтахтида, жаҳон халқлари ассамблеясининг юксак минбарида тинчликка, кишиларнинг бахт-саодати, социал тараққиёт учун курашга қизғин ва эҳтиросли чақириқ сўзлари турли тилларда етти кун мобайнида янграб турди.

Совет Ўзбекистонининг меҳнаткашлари чет эллик меҳмонлар — конгресс қатнашчиларини табриклар эканлар, тинч яратувчилик меҳнатида эришилган ютуқлари билан уларни таништиришдан хурсанд бўладилар.

Республика меҳнаткашлари барча совет халқи билан бирга империализмга қарши, озодлик ва мустақиллик учун кураш олиб бораётган ҳамма халқлар билан бирдамликни мустаҳкамламоқдалар.

Тинчликни ҳимоя қилиш Ўзбекистон комитети социалистик давлатларнинг тинчликни ҳимоя қилиш комитетлари билан, капиталистик мамлакатлар ва ривожланаётган мамлакатларнинг тинчликсевар ва прогрессив ташкилотлари билан ҳамкорликни ривожлантириб, мустаҳкамлаб бормоқда.

Конгресс қатнашчиси, Тошкент Тўқимачилик комбинатининг тўқувчиси Е. А. Губина микрофон ёнига келади.

Конгресс кунларида 900 дан ошиқ киши сўзга чиқди, дейди у. Уларнинг ҳаммаси инсониятнинг яхши келажаги учун актив курашчилар сафларини кўпайтириш зарурлиги тўғрисида гапирдилар. Планетамизда тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш мумкинлигига қаттиқ ишонч билдирдилар.

Мен, бир оддий тўқувчи, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг аъзоси бўлганлигим билан фахрланаман. Шу партия ер юзида тинчлик учун курашни ўз ташқи сиёсатининг асосий мақсади қилиб қўйиб, шу мақсадни ленинчасига изчиллик ва сабот-матонат билан амалга ошириб бормоқда. Уз меҳнат вахтасида шараф билан турган тўқимачилар кўп минг кишилик коллективи номидан Коммунистик партиямизга, Совет ҳукуматимизга, шахсан Леонид Ильич Брежневга тинчлик тўғрисида ҳормай-толмай ғамхўрлик қилаётганликлари учун қизғин миннатдорчилик изҳор этишга рухсат бергайсиз.

Конгресс қатнашчиси, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти И. М. Мўминов сўзга чиқади.

Биз ҳаммамиз, дейди у, конгрессда Леонид Ильич Брежнев сўзларан ёркин нутқнинг чуқур таъсири билан яшаб турибмиз. Ҳозир планетамиздаги тинчликсевар кучларни тўқнинлантирувчи ҳамма масалаларга шу нутқда тўла-тўкис жавоб берилган. КПСС XXIV съездида қабул қилинган Тинчлик программаси ижодий ривож топтирилди.

Мамлакатимизнинг олимлари, шу жумладан Ўзбекистон олимлари КПССнинг бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлашга қаратилган ленинча ташқи сиёсатини бутунисича ва тўла-тўкис маъқуллайдилар. Биз ҳаммамиз мамлакатимиз ва бутун социалистик ҳамдўстлик иқтисодий қудратини ўстириш мустаҳкам тинчликка эришишнинг муҳим шарти эканлигини биламиз. Ўзбекистон олимлари беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун умумхалқ курашидаги ролларини бундан буён ҳам ошириб, халқ хўжалиги ҳамма соҳаларини тез ривожлантиришга актив ёрдам бериб бораверадилар.

Бизга тинчлик ғоят азиз, — дейди СССР Давлат мукофотининг лауреати шоир Рамз Бобожон. Биз ўзимизнинг улкан режаларимизни амалга оширмоғимиз, келажак тўғрисида орзу-ҳаёллар қилмоғимиз, қўшиқ тўқимоғимиз учун осойишта осмон зарур. Ўзбекистон аҳолиси ленинча халқлар дўстлигининг мўъжизакор кучини яхши билиб олганлар. Шу дўстлик Тошкентни тиклашимизга, бутун ҳаётимизни ўзгартиришимизга ёрдам берди.

Рамз Бобожон тинчликка бағишланган шеърини митинг минбаридан туриб ўқиб беради.

В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университетида таълим олаётган Вьетнам ёшларининг вакили Нгуев Тхань Вьетнам халқи билан жанговар бирдамлик учун совет дўстларига самимий миннатдорчилик билдиради.

Урта Осиё медицина педиатрия институтининг студенти Т. Раҳматова Ўзбекистон ёшлари тинчликни ҳимоя қилувчиларнинг олдинги сафларида бўлишга, ўқишдаги муваффақиятлари билан тинчликни мустаҳкамлашга интилаётганликлари тўғрисида гапиради.

Пуэрто-Рико вакили Фермин Аррайса митинг қатнашчиларига мурожаат қилади. У Совет Иттифоқи бутун дунёда тинчликнинг таянчи эканлигини уқтириб, совет кишиларига бутун инсониятнинг бахт-саодати учун курашда янгидан-янги муваффақиятлар тилади. Чад Республикасининг вакили Секимбой Бессара бизнинг делегациямиз ўзига гуллаб-яшнаб турган Ўзбекистонга ва унинг пойтахти Тошкентга келиш имконияти берилганлигидан ғоят хурсанд эканлигини, деди. Ўзбекистон меҳнаткашларининг бунёдкорлик ишлари билан танишиш бизларни илҳомлантирмоқда, бизга янгидан-янги куч бағишламоқда.

ГФР вакили Лоренцо Кнорр Тинчликсевар кучлар жаҳон конгресси жуда катта халқаро аҳамиятга эгадир, дейди. Нотиқ совет кишиларига тинч бунёдкорлик меҳнатларида катта муваффақиятлар тилайди. У совет кишиларининг муваффақиятлари бутун планетада тинчликни мустаҳкамлашга ёрдам бермоқда, деб таъкидлайди.

Марказий Африка Республикасининг давлат министри Антонио Франк минбарга чиқади. У Ўзбекистон меҳнаткашларини Марказий Африка Республикаси ҳукмрон партияси «Қора Африка социал эволюцияси ҳаракати» раисининг ўринбосари Бош министр Э. Домиссъен хонимнинг топшириғига биноан табриклайди. У айтадики, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Леонид Ильич Брежневнинг нутқи конгресс ишида жуда катта воқеа бўлди. Бу нутқ тинчлик учун курашчилар анжуманининг бутун иши муваффақият қозонишини кўп жиҳатдан белгилаб берди. Сизнинг ажойиб республикангиз, гўзал Тошкент шаҳрингиз, дейди сўнгра нотиқ, — бизнинг қалбимизни мафтун этди.

Миср Араб Республикасининг вакили Фавзи Ҳамза араб халқларини уларнинг миллий мустақиллик ва тараққиёт учун олиб бораётган адолатли курашида қўллаб-қувватлаётганликлари учун совет кишиларига самимий миннатдорчилик билдириб, Ўзбекистон меҳнаткашларига қизғин салом топширди.

Митинг қатнашчилари бутун дунёда мустаҳкам тинчликни таъминлашда чет эл меҳмонларига янги ва катта муваффақиятлар тиладилар.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

ИЛМИЙ-ТЕХНИКА ИНФОРМАЦИЯ СИСТЕМАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРАЙЛИК

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети республикада илмий-техника информацияси давлат системасини янада такомиллаштириш масаласини қараб чиқдилар. Шу муносабат билан қабул қилинган қарорда республикада бу йўлда муайян иш қилинганлиги уқтириб ўтилади.

«Кўпчилик министрликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотларда информация хизмати тузилди ва мустаҳкамланди, информация ишининг прогрессив форма ва методлари ривожланди, унинг иқтисодий самарадорлиги ошди.

Информация ишини яхшилашда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети хузурида ташкил этилган фан-техника тараққиётига ёрдам кенгаши-ташаббуси билан «Ўзбекистонда илмий-техника информацияси проблемалари» мавзуида ўтказилган конференция муҳим роль ўйнади.

Шу билан бирга республикада илмий-техника информациясининг аҳволи ва даражаси ҳали ҳам фан ва техника тараққиётининг ўсиб бораётган талабларига, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш вазифаларига жавоб бермайди.

Илмий-техника информацияси системаси халқ хўжалиги мутахассисларини, бошқармалар аппарати, партия ва совет органлари аппарати ходимларини справка-информация хизмати билан етарли даражада тўла қамраб олган эмас, илғор корхоналар, ташкилотларнинг ва ишлаб чиқариш новаторларининг ижобий тажрибасини дарҳол оммалаштиришга бўш кўмаклашмоқда.

Бир қанча министрликлар, идоралар ва ташкилотлар шу масала хусусида республика партия ва ҳукуматининг қарорларини амалга ошириш учун тегишли чораларни кўрмаяптилар.

Озиқ-овқат, пахта тозалаш саноати, алоқа, қурилиш, монтаж ва махсус қурилиш ишлари ва бошқа баъзи министрликлар корхоналарида ҳалигача илмий-техника информацияси хизмати ташкил қилинган эмас. Ташкил қилинган кўпгина жойларда эса, бундай хизматлар кам сонли бўлиб, малакали кадрлар билан етарли таъминланмаган, зарур техника билан тўла жиҳозланмаган.

(Давоми учинчи бетда).

ХАЛҚАРО ХАВФСИЗЛИК ВА ҚУРОЛСИЗЛАНИШ УЧУН, МИЛЛИЙ МУСТАҚИЛЛИК, ҲАМКОРЛИК ВА ТИНЧЛИК УЧУН

(Боши 1-бетда).

Тинч-тотув яшаш адолатсизлик билан келишишни билдирмайди; аксинча, тинч-тотув яшаш агрессияга самарали зарба беришни ва халқларнинг ўз сиёсий ва иқтисодий озодлиги учун, социал тараққиёт учун барча зарур воситалар билан кураш олиб бориш ҳуқуқини, ўз тақдирини ташқаридан биронбир аралашувсиз эркин танлаб олишини тақозо қилади. Шунинг учун ҳам тинч-тотув яшаш-адолатли тинчлик барқарор қилиниши керак бўлган асослар тўғрисида халқларнинг манфаатлари ва маънавий тасаввурларига мувофиқ келади.

Тинч-тотув яшаш давлатлар ўртасидаги муносабатларда куч ишлатишни истисно қилади, низолар ва ихтилофларни бартараф этишнинг хилма-хил усулларининг чинакам тинч рухда бўлишини олдиндан белгилаб беради. Мана шунинг ўзи тинч-тотув яшашни халқаро хавфсизликнинг энг мустаҳкам негизига айлантиради. «Даҳшат мувозанати» бундай негиз бўла олмайди. «Даҳшат мувозанати» беқарор ва хатарли нарсадир, чунки у урушга тайёргарликни давом эттиради ва оқлайди, халқаро проблемаларни ҳал этишнинг ҳарбий жиҳатини сақлаб қолади. Бир группа давлатларнинг бошқа бир группа давлатларга қуролли қарши туришини кучайтиради.

Бунинг бирдан-бир ва тамомила реал йўли-хавфсизликнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ва психологик гарантияларини вужудга келтиришдир. Мана шу йўл билангина дунёнинг бир-бирига қарама-қарши ҳарбий сиёсий блокларга ажралишини бартараф этиш мумкин, ҳарбий кескинликни камайтиришнинг бошқа муҳим масалаларини ҳал этиш мумкин. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бу йўлда ўз ролини тўла равишда бажариши, халқаро хавфсизликни таъминлашнинг самарали воситаси бўлиши мумкин.

ҲИНДИ-ХИТОЙ

Вьетнам халқининг Париж битимида мустаҳкамланган ғалабаси, шунингдек Лаос ҳусусидаги битим ва протокол билан мустаҳкамланган Лаос халқининг ғалабаси ватанпарвар кучларнинг жуда катта муваффақияти бўлиб Америка империализмини муҳим ён беришга мажбур қилди, бу муваффақиятлар жаҳонниг шу қисмида низоларни адолатли тарзда сиёсий йўл билан ҳал этиш учун имконият берди.

Аммо шу халқларнинг умумий душмани ўз кирдикорларидан воз кечган эмас. Камбоджада уруш давом этмоқда, Сайгон маъмурияти, Лаоснинг реакцион кучлари имзоланган шартномаларнинг амалга оширилишига АҚШнинг ёрдами билан ҳалақит бериш учун қўлларидан келган ҳамма ишни қилмоқдалар. Париж ва Вьентьян битимлари барча мамлакатлар томонидан қатъиян ва сўзсиз бажарилишига эришиш керак.

Жанубий Вьетнам Республикаси Муваққат революцион ҳукумати назоратидаги районларга қарши давом этаётган уруш ҳаракатлари батамом тўхтатиши лозим. Сайгон маъмурлари ушлаб турган сиёсий маҳбуслар озод қилиниши ва тегишли манфаатдор томонларга топширилиши лозим.

Шунингдек, вужудга келган жиддий аҳволни ҳисобга олиб, Камбоджа бирлашган миллий фронти ва миллий бирлик королликнинг ҳукумати сиёсий программасининг принциплари ҳамда мақсадларига мувофиқ равишда, АҚШдан ва унинг шерикларидан Камбоджага қарши агрессияни ва унинг ички ишларига аралашувни дарҳол тўхтатишни талаб қилиш лозим.

Турли шароитларда ўз мустақиллиги ва тинчлик учун курашаётган Лаос Камбоджа ва Вьетнам халқларини қўллаб-қувватлаш йўлида зарур бўлган барча ишларни қилиш лозим.

ЯҚИН ШАРҚ

Яқин Шарқда яқинда юз берган уруш ҳаракати бу районда низонинг узоқ вақтгача тинч йўл билан бартараф этилмаганлиги ҳанчалик хатарли бўлганлигини фожиона куч билан кўрсатди. Низонинг узоқ вақтгача ҳал этилмаганлигига тинчликка таҳдид қилиб турувчи Исроил агрессиясининг давом этиб турганлиги, Исроилнинг БМТ қарорларини бажаришдан доимо бош тортиб келганлиги ва араб территорясини оккупация қилишни давом эттираётганлиги оқибатлари сабаб бўлди. Яқин Шарқдаги уруш ҳаракатлари, шунингдек Исроилнинг қилаётган бундай қайсарлиги ҳозирги дунёда муваффақият қозона олмаслигини ҳам исбот қилди. Хавфсизлик Кенгашининг сўнгги қарорлари худди мана шуни назарда тутади, ҳозирги халқаро муносабатлар шароитида зўравонлик билан босиб олишни қонунлаштиришга йўл берилиши мумкин эмаслигини исбот қилади. Хавфсизлик Кенгашининг қарорлари Яқин Шарқда кризисни сира кечиктирмасдан, адолатли тарзда ва тўла ҳал этишнинг реал йўлини кўрсатиб беради. БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 1973 йил 22, 23 ва 25 октябрдаги резолюцияларини дарҳол бажариш, Исроилнинг ўз қўшинларини БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 242-резолюциясига БМТ Уставининг асосий принципларига мувофиқ арабларнинг босиб олинган еридан ўз қўшинларини батамом олиб кетиш, шунингдек бу райондаги барча давлатлар ва халқларнинг қонуний ҳуқуқларини ва хавфсизлигини, шу жумладан Фаластиндаги араб халқининг ўз юртига қайтиб келиш ва БМТ резолюциясига мувофиқ ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини тўла гарантиялаш — Яқин Шарқдаги низони ҳал этишнинг негизидир.

ЕВРОПАДА ХАВФСИЗЛИК ВА ҲАМКОРЛИК

Европада кескинликни юмшатишдаги муваффақиятлар бутун дунёда халқаро муносабатлар яхшиланганлиги умумий йўлининг бир қисмидир. Худди шунингдек Европада кескинликнинг камайишига қарши туриш ер юзининг бошқа районларидаги низолар ва кескинликлар билан чамбарчас боғланган.

Мана шунинг учун ҳам Европада хавфсизликнинг ривожланиш процессини тезлатириш, кенгайтириш ва мустаҳкамлаш учун мумкин бўлган ҳамма ишларни қилиш, бу процессни бўшаштириш ёки обрўсизлантириш йўлидаги ҳар қандай уринишларни рад этиш жуда муҳим иштир. Бу тинчлик учун шу қадар муҳим ишки, у Европа қитъасидаги ҳукуматларнигина эмас, балки шу билан бирга шу қитъадаги халқларнинг ва хилма-хил иқтисодий ташкилотларнинг ҳам янада зўр куч-ғайрат сарфлашини талаб қилади. Жумладан, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик масалаларига бағишланган кенгашнинг якунловчи ҳужжатлари оқилона муддатларда ва энг юксак даражада имзоланишига, шунингдек бошланган ишни давом эттиришга ва унинг давом этишини гарантиялашга қўмаклашадиган доимий орган тузишга эришиш керак.

Сиёсий юмшаш, ҳарбий юмшашга қараганда, ҳозирги вақтда устунлик қилаётган бўлса ҳам шунга қарамай, ҳарбий юмшаш билан чамбарчас боғлиқдир. Шунга амал қилиб, Европада қуролланиш пойгасини тўхтатиш тўғрисида, Марказий Европада миллий ва ажнабий қуролли кучлар сонини камайтириш тўғрисида жуда тез муддат ичида битимлар тузилишига эришиш лозим. Аммо, кескинликни камайтириш жараёни кучаяётган бир пайтда муайян доиралар умумий бозорни ҳарбий блокка айлантиришни, хатто уни мустақил ядро қуроллари билан таъминлашни таклиф қилмоқдалар. Бундай планлар агарда улар амалга ошириладиган бўлса кескинликни камайтиришга жиддий зарба берарди. Сиёсий ва ҳарбий хавфсизликка асосланган кўп томонлама ва икки томонлама тенг ҳуқуқли иқтисодий, илмий, техникавий ва маданий ҳамкорлик анчагина ривожланиши мумкин. Жумладан, Европадаги ҳар хил иқтисодий бирлашмалар ўртасида, айниқса Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши билан умумий бозор ўртасида фойдали алоқалар ва муносабатларни ўрнатиш мумкин бўлар эди. Ҳар томонлама маданий алоқаларни кенгайтириш масаласига келганда, бундай алоқалар халқлар ўртасида ҳамжиҳатликни ва ўзаро ишончни енгиллаштириши керак.

ОСИЕДА ТИНЧЛИК ВА ХАВФСИЗЛИК

Осиёдаги тинчлик ва хавфсизликка аввало империалистларнинг агрессия сиёсати, қўпорувчилик фаолияти ва осиёликларни осиёликларга гиж-гижлаш сиёсати хавф солмоқда.

Осиё халқлари бу сиёсатга қарши курашда катта муваффақиятларга эришдилар. Осиёдаги кўпгина мамлакатлар ўтказаётган блокларга қўшилмаслик сиёсати — шу райондаги тинчлик, хавфсизлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга қўшилаётган бебаҳо ҳиссадир. Ўз негизи жиҳатидан империализмга қарши қаратилган бу сиёсат, Вьетнам халқининг Америка империализми устидан қозонган қаҳрамонона ғалабаси, Бангладеш Республикаси барпо этилганлиги, япон халқининг милитаризмга қарши чиқишлари, Ҳиндистон кичик қитъасида мустаҳкам тинчликни таъминлаш йўлида қўйилган қадамлар — ана шуларнинг ҳаммаси империалистларнинг кирдикорларига қарши курашга қўшилган ҳиссадир. Натижада кучларнинг нисбати тинчлик ва озодлик фойдасига тубдан ўзгариб кетди.

Империалистларнинг агрессияси ва аралашуви натижасида келиб чиққан бир қанча жуда хатарли можаролар ва тангликлар бартараф этилганлиги Осиёда ҳал этилмаган ва шу қитъадаги халқаро муносабатларни стабиллаштиришга халақит бераётган проблемаларнинг кескинлигини ва кенг кўламини янада зўр куч билан яққол таъкидлайди. Бугунги энг муҳим вазифа ҳаммамизнинг куч-ғайратларимизни бирлаштириш йўли билан ўзининг янги мустамлакачилик мақсадларига эришиш учун давлатларнинг суверенитетига путур етказишга интилаётган империализмнинг найрангларини маглубиятга учратишдан иборат.

Социал тузумдан қатъи назар, ҳамма Осиё давлатлари учун очиқ бўлган Осиёда коллектив хавфсизлик системасини вужудга келтириш сиёсати тинч-тотув яшаш принципларига асосланиши, Бандунг руҳини ривожлантириши лозим. Бу сиёсат ҳали ҳам мавжуд бўлган уруш ўчоқларини дарҳол тугатиш ҳамда чет эл агрессияси ва аралашуви оқибатларини бартараф этиш каби муҳим проблемаларни ҳал этишга ёрдам бериши шубҳасиз. Бу йўлда Осиёни ва Тинч океан районини ядро синоваларидан, ажнабий, ҳарбий базалардан, ҳарбий блоклардан халос этиш учун курашни доимо кучайтириш зарур. Бангладеш Республикасини БМТга тезроқ қабул қилиш ва Жанубий Осиёдаги вазиятни тўла-тўкис нормаллаштириш, Ҳинд океанини тинчлик зонасига айлантириш Осиё хавфсизлигининг муҳим элементларидир, Осиё хавфсизлиги ғояси тобора кўпроқ қўллаб-қувватланмоқда, шу сабабли уни манфаатдор мамлакатлар гоят жиддият билан кўриб чиқалар арзийди. Бу система Осиё мамлакатлари ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорликни шу мамлакатларнинг ривожи ва социал тараққиёти йўлида ривожлантиришга кўмаклашган бўлур эди.

Шимол билан жануб ўртасида КХДРнинг ташаббуси билан бошланган мулоқот, — гарчи Жанубий Корея маъмурлари бу мақсад йўлига тўсиқлар қўяётган бўлсалар ҳам, Кореяни четдан ҳеч кимни аралаштирмай демократик негизда тинч қайта бирлаштириш сари қўйилган янги қадам бўлди.

Қитъадаги тинчлик ва хавфсизлик проблемаларига қандай ёндашиш кераклигини келишиб олиш зарурати Осиё мамлакатларининг ҳукуматлари ва барча жамоат кучлари олдида кўндаланг бўлиб турибди. Бу масалани ҳал этиш вақтида тинч-тотув яшаш ва халқаро хавфсизликнинг ҳамма қабул этган асосларига амал қилиш, ўртага ташланган амалий ғоялар ва принципларни иноватга олиш мақбул иш бўлур эди.

ҚУРОЛСИЗЛАНИШ

Кескинлик юмшатилган вазиятдан қуролланиш пойгасини тўхтатиш ва қуролсизланиш проблемаларини амалий равишда ҳал этиш учун фойдаланиш зарур Халқаро кескинликни юмшатишни мустаҳкамлаш ва қуролсизланиш жараёнлари баб-баравар ривожлана бориб, бир-бирига қўмаклашиши керак. Бунда гап қуролланиш пойгасини тўхтатиш ва чеклаш соҳасидаги тадбирлардан қурол-яроғларни қисқартириш, биринчи галда оммавий қирғин қуролини тақиқлаш борасида амалий одамлар қўйишга ўтиш, шу билан бирга ёпасига ва батамом қуролсизланиш истиқболини назарда тутиш тўғрисида бораётир.

Шу мақсада:

— Шу вақтгача тузилган ва аҳамияти равшан кўриниб турган қуролсизланишга доир шартномалар ва битимлар қатъиян бажарилиши ҳамда уларни ҳали имзоламаган ёки ратификация қилмаган мамлакатлар шу шартнома ва битимларга қўшилиши;

— ядро қуролига эга бўлган беш давлатнинг ҳаммаси куч ишлатмаслик тўғрисида пакт тузишлари, шу пактда ядро қуролини қўлланишни абадий тақиқлаш мажбуриятини олишлари, ўз ҳарбий ҳаражатларини қисқартиришлари, шу тариқа бўшатиб олинадиган маблағнинг бир қисмини ривожланаётган мамлакатларга ёрдам бериш учун ишлатишлари, ҳамма муҳитларда ядро қуроли синовлари тўхтатилишини таъминлашлари, ракета-ядро қуроллари пойгасини, уларни такомиллаштиришни тўхтатиш ва қуролсизланиш соҳасида янги амалий қадамларни кўришлари;

— ядросиз зоналарни вужудга келтириш, ажнабий ҳарбий базаларни тугатиш тўғрисидаги, ажнабий территорияларда ядро қуролини жойлаштиришни тақиқлаш ҳақидаги таклифлар амалий равишда бажарилиши;

— қуролсизланишга бағишланган Жаҳон конференцияси имкони борича тезроқ чақирилиши, Европадаги қурол-яроғларни ва қуролли кучларни қисқартириш юзасидан бошланган музокараларнинг муваффақияти таъминланиши зарур.

МИЛЛИЙ-ОЗОДЛИК ҲАРАКАТИ, МУСТАМЛАКАЧИЛИККА ВА ИРҚЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШ

Осиё, Африка ва Латин Америкасининг халқлари эски ва янги мустамлакачиликка, ирқчиликка, апартеидга, миллий зулмга қарши, миллий мустақиллик ва тинчлик учун курашмоқдалар.

Миллий озодлик кучлари — жаҳоншумул антиимпериалистик ҳаракатнинг, ялпи осойишталик ўрнатишнинг энг асосий элементларидан биридир.

Миллий-озодлик ҳаракатлари ўз халқлари ва мамлакатларининг қонуний ифодасидир.

Ҳозир террорга, миллион-миллион кишиларни қақшатган ҳам ваҳшиёна эксплуатация қилишга таянувчи мустамлакачи ва ирқчи режимлар яшаб турганлиги даҳшатли сарқит бўлиб қолди. Бу режимларни халқаро империализм тўла равишда қўллаб-қувватлаб, уларни сақлаб қолишга уринмоқда, шу мақсадда энг шармандали усуллари, ошкора агрессияни ишга солмоқда. Мустамлакачилик ва ирқчилик дунёнинг турли районларида кескинликни кучайтирмоқда.

Осиё, Африка ва Латин Америкасида мустамлакачилик ва ирқчилик тартибларига қарши, ўз тақдирини ўзи белгилаш ва ўз миллий давлатини барпо этиш учун курашаётган халқларнинг озодлик ҳаракатига бутун чоралар билан ҳар томонлама мадад ва ёрдам берилиши керак.

Португалия, Жанубий Африка ва Родезиядаги мустамлакачилик, фашистик ва ирқчилик режимлари батамом яккалаб қўйилишига эришиш зарур.

АҚШ, Буюк Британия, Франция, Голландия ва Испаниянинг мустамлакачилик зулмидан ҳали ҳалос бўлмаган халқларнинг тўла миллий мустақиллигига эришиш лозим. Барча тинчлик кучлар БМТнинг мустамлакачиликни, апартеидни ва ирқчиликнинг бошқа формаларини тугатиш тўғрисидаги жуда кўп резолюциялари тўла-тўкис ва асло муросага бормай амалга оширилишига ҳаракат қилишлари керак. Тинчлик кучлари БМТнинг «Ирқчиликка ва ирқий камситишга қарши ҳаракат ўн йиллиги тўғрисида» қабул қилган резолюцияси амалга оширилиши учун ҳам актив ҳаракат қилмоқдалар.

Барча тинчликсевар кучлар Гвинея-Бисауни ҳамма давлатлар эътироф қилишига эришишлари керак.

РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ИҚТИСОДИЙ МУСТАҚИЛЛИК

Халқаро муносабатлардаги кескинликни юмшатишнинг ривожланиб бораётган жараёни «Учинчи дунё» мамлакатларининг иқтисодий ва социал проблемаларини ҳал этиш учун энг яхши шароит яратиб беради. Бу проблемаларнинг ҳал этилмаганлиги, шу проблемалар империалистларнинг аралашуви ва эксплуатацияси оқибатида чигаллашиб кетаётганлиги ҳавфи бўлган вазиятларнинг янги манбалари вужудга келиши хавфини тугдиради.

Фан-техника революцияси шароитида ер юзининг жуда катта қисмида мустамлакачилик сарқити ва мустамлака социал структураларининг сарқити бартараф этилмаганлигига, ер юзининг кўпгина районларида очарчилик ва касалликлар ҳукм сураётганлигига, иқтисодий ва маданий қолоқлик тугатилмаганлигига, қашшоқлик давом этиб келаётганлигига тоқат қилиб бўлмайди. Бунинг устига маҳаллий реакция билан иттифоқ бўлиб олиб, халққа қарши бўлган ошкора фашистик режимларни қўллаб-қувватлаётган ва ўрнатиб қўяётган халқаро монополияларнинг дўқ-пўписаси ва тазйиқи бу аҳволни янада баттарлаштирмоқда.

Таъсирли халқаро бирдамлик йўли билан қўллаб-қувватланаётган ривожланувчи мамлакатлар халқларининг қатъияти ва бунёдкорлик куч-ғайратлари ана шу энг ўткир социал-иқтисодий проблемаларни ҳал этишга, юз миллионлаб кишиларнинг турмуш даражасини кўтаришга қодирдир. Ҳамма жойда ҳарбий бюджетларни қисқартириш, халқларнинг ўз табиий ресурсларига эгалик қилиш ва шу ресурсларни тасарруф этиш ҳуқуқи қаттиқ ҳурматланиши, ҳеч қандай сиёсий шарт қўймай ривожланаётган мамлакатларга иқтисодий ва илмий-техникавий ёрдамни кучайтириш ана шу мақсадга эришишга кўмаклашиши керак.

АТРОФ — МУҲИТ

Атроф — муҳит ёмонлашаётганлиги ва бузилаётганлиги муносабати билан вужудга келаётган хавф-хатарни инсоният тобора равшан англамоқда. Дунё халқлари ҳаммамизнинг уйимиз бўлмиш ернинг ресурсларини сақлаб қолишдан астойдил манфаатдордирлар. Бу эса кўп томонлама халқаро актив ҳамкорликни ва табиий ресурслардан рационал фойдаланишни талаб қилади. Қурол-яроғга сарфланаётган маблағнинг бир қисми экологик балансни, инсоннинг ҳаёт ва меҳнат шароитларини сақлаб қолиш ва яхшилаш тадбирларини ўтказиш учун қатъият ва изчиллик билан олиб бориладиган кураш бу йўлдаги куч-ғайратларнинг таркибий қисми бўлиб қолиши керак.

Ядро синовлари, радиоактив ва заҳарли моддаларни дарёлар, денгизлар ва океанлар сувига ташлаш натижасида инсон атрофидаги муҳит ҳаддан ташқари хатарли равишда булғатилаётганлигини тўхтатишга эришиш зарур.

МАОРИФ ВА МАДАНИЯТ СОҲАСИДА ҲАМКОРЛИК

Халқаро маданий ҳамкорлик, инсоний алоқаларни кенгайтириш одамлар ва халқлар ўртасидаги ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаб, ишончсизлик, ҳурофот ва ҳадиксирашни йўқотишда муҳим роль ўйнайди. Бу эса ҳарбий васваса пропагандасига қарши, фашистик ва милитаристик идеологияга қарши, шовинизмга ва ирқчиликка қарши, шахснинг маънавий сиҳат-саломатлигига путур етказувчи ҳамма иллатларга қарши курашга кўмаклашмоги лозим. Бу соҳадаги ҳамкорлик суверенитетнинг демократик принциплари, ички ишларга аралашмаслик, ҳар бир мамлакатнинг тарихий анъаналари ва қонунқоидаларини ҳурмат қилиш асосида олиб борилган тақдирдагина мана шундай самарага эришиш мумкин бўлади.

Шу йўлда информацияни анча кенг ва анча эркин тарқатиш, журналистларнинг профессионал фаолият шароитларини яхшилаш, оммавий информация воситаларидан маънавий бойликларни янада кенг кўламда баҳам кўриш манфаатларини кўзлаб фойдаланиш масалалари юзасидан ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама асосда битимлар ва конвенциялар тузиш мумкин ва лозим.

Халқаро маданий ҳамкорлик формалари хилма-хил. Улар орасида маориф, ёш авлодни юксак ахлоқий идеаллар руҳида тарбиялаш ва ҳамма халқларга ҳурмат билан қараш соҳасида ҳамкорлик қилиш; китоб айирбошлашни активлаштириш; ажнабий авторларнинг асарларини таржима қилиш тажрибасини кенгайтириш ва ҳ.ш.лаш; туризмни ривожлантириш, гражданларнинг касбкор ва шахсий ишлари билан бошқа мамлакатларга боришини осонлаштириш ва шу кабилар муҳим ўрин олади.

ИҚТИСОДИЙ ВА ИЛМИЙ-ТЕХНИКАВИЙ ҲАМКОРЛИК

Иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик тинч-тотув яшашнинг оқибатигина эмас, шу билан бирга унинг гарантияси ҳамдир. Давлатларнинг социал тузумдаги тафовутлар бу ҳамкорликни ривожлантиришга ҳалақит бермайди, балки халқаро кескинлик, қуролланиш пойгаси, психологик уруш унга тўсқинлик қилади. Жаҳон майдонидаги вазиятнинг нормаллашуви чўқурлаша борган сари халқаро меҳнат тақсимоти, фан-техника ва саноат-экономика кооперацияси неъматларидан миллий экономика манфаатлари йўлида — айниқса катта кўламдаги халқаро лойиҳаларни амалга оширишда фойдаланишни янада кўпроқ кучайтира беради.

Халқаро иқтисодий ҳамкорлик тенг ҳуқуқлилик, ўзаро манфаат принциплари, савдо-сотиқнинг ва ҳ.ш.лик соҳасидаги бошқа алоқаларнинг энг қулай шароитларини таъминлаб бериш принциплари асосига қурилиши керак. Сиёсий камситувчи шартларни зўрлаб қабул қилдириш ҳамда шериклар-нинг ички ишларига аралашиш йўлидаги уринишларни халқаро практикадан қатъиян суриб ташлаш зарур. Жаҳон миқёсидаги хўжалик муносабатлари системаси унда қатнашувчи ҳамма томонларнинг манфаатларига мос бўлиб тушадиган, жумладан, ривожланаётган давлатларнинг иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлашга кўмаклашадиган тарзда қурилиши лозим.

Реал қуролсизланиш йўлида кўйилган ҳар бир қадам — экономикани тинч конверсия қилиш йўлидаги қадам ҳамдир. Экономикани тинч конверсия қилиш эса энг самарали экспорт тармоқларини ривожлантириш ва фан-техника тараққиёти йўлида халқаро куч-ғайратларни кенгайтириш учун қўшимча имкониятлар очиб беради.

СОЦИАЛ ТАРАҚҚИЁТ, ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

Тинчлик, озодлик ва социал адолат шароитларида яшаш, меҳнат қилиш ҳуқуқи ҳар бир кишининг ажралмас ҳуқуқидир.

Кескинликни юмшатиш, тинч-тотув яшаш ва дўстона ҳамкорлик қилиш муҳити, социал тараққиёт ва инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг муҳим элементидир.

Қашшоқлик, ишсизлик, инсон ҳуқуқларини кўпол равишда бузиш озоблари ҳаммадан ҳам кўпроқ меҳнаткашлар бошига тушади. Одамлар социал-иқтисодий ҳуқуқларга ва ҳуқуқларни таъминлайдиган ҳақиқий кафолотга, шунингдек гражданлик ва сиёсий ҳуқуқларга эга бўлмасалар том маънода озод бўла олмайдилар.

Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро пактларни ҳали имзоламаган ёки ратификация қилмаган давлатлар ва ҳ.ш.матлар бу пактларда кучга кирмоги учун ҳеч кечиктирмай, уларни имзолашлари ёки ратификация қилишлари керак. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизми бўлмаган жойларда ана шундай тегишли механизм таъминланиши даркор. Бунинг учун БМТ доирасида мавжуд бўлган органлардан тўла-тўкис фойдаланиш лозим.

Инсон ҳуқуқлари тўғрисида ҳарбий можароларга таллуқли бўлган мавжуд конвенциялар етарли эмаслигидан ташқари, бунинг устига айрим мамлакатлар уларни шармандаларча поймол қилмоқдалар. БМТ ана шу ачинарли аҳволни тузатиш учун махсус чораларни кўрса соз бўлур эди.

Ҳар бир инсон яшаш учун қонун йўли билан ҳимоя қилинадиган ажралмас ҳуқуққа эгадир. Давлатлар ўлим жазосини батамом бекор қилишга интилишлари керак. Яшаш ҳуқуқи бошқаларни яшашдан маҳрум этишдан воз кечиш ҳуқуқи проблемаси билан ҳам боғлиқдир. Ирқи, миллати, тили, дини ва жинсига қараб камситишнинг ҳамма формалари батамом тугатилиши зарур.

Меҳнат шароитлари яхшиланиши, қуллик ва мажбурий меҳнат бекор қилиниши лозим. Соғлиқни сақлаш системасини ва уй-жой шароитларини яхшилаш керак. Социал таъминотнинг кенг қамровли самарали системаси барпо этилиши, саводсизлик тугатилиши, умумий таълим ривожлантирилиши зарур. Эмигрант ишчилар проблемаси ҳал этилиши даркор.

Давлатлар ўртасида турли лавозимдаги кишиларнинг ҳамкорлигини, шу жумладан халқаро ташкилотлар йўли билан қилинадиган ҳамкорликни, касаба союзлари, ёшлар, хотин-қизлар, диний ва бошқа жамоат ташкилотлари ўртасидаги, шунингдек юристлар, экономистлар, социологлар ва бошқа олимлар ўртасидаги ҳамкорлик ривожлантирилиши зарур.

Ҳар қайси мамлакатдаги инсон социал тараққиёт неъматларидан

ИЛМИЙ-ТЕХНИКА ИНФОРМАЦИЯ СИСТЕМАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРАЙЛИК

[Бошы 1- бетда].

Республика олий ва махсус ўрта таълим министрлиги илмий-техника информацияси органлари ходимларини тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тўғрисида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг топшириқларини бажармади.

Республикада илмий-техника информациясининг бош органи—Ўзбекистон ССР Госплани қўзуридаги Ўзбекистон илмий-техника информация ва пропаганда институти ўз бурчини бўш бажармоқда.

Ўзбекистон шаҳар қурилиши лойиҳалари илмий-текшириш институти (ЎзНИИП) Ўзбекистон илмий-техника информацияси институтининг республика илмий-техника кутубхонаси биноси лойиҳасини тузиш муддатини чўзиб юборди, Тошкент шаҳар ижроия комитетининг архитектура планлаштириш бошқармаси ҳалигача шу қурилиш учун участка ажратган эмас.

Республикада техника ўйининг йўқлиги информация хизматини ва илғор тажрибани пропаганда қилишни янада такомиллаштириш га салбий таъсир кўрсатмоқда. Илмий-техника информацияси масаласи юзасидан ўтказилган республика конференциясининг тавсиялари қониқарсиз бажарилмоқда.

Бу камчиликлар айрим министрликлар, идоралар, партия ва совет ташкилотлари раҳбарлари илмий-техника тараққиётини жадаллаштиришнинг жуда муҳим воситаси сифатида илмий-техника информациясининг катта аҳамиятига етарли даражада баҳо бермаётганликларини кўрсатиб турибди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети министрликлар, идоралар, партия ва совет ташкилотлари раҳбарлари илмий-техника тараққиётини жадаллаштиришнинг жуда муҳим воситаси сифатида илмий-техника информациясининг катта аҳамиятига етарли даражада баҳо бермаётганликларини кўрсатиб турибди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ҳужжатлари, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси, Телевидение ва радио эшиттириш, кинематография давлат комитетлари, Ўзбекистон илмий-техника информация институти, Ўзбекистон ССР Халқ Хўжалиги Ютуқлари виставкаси, «Билим» жамияти, илмий-техника жамияти, ихтирочилар ва рационализаторлар Бутуниттифоқ жамияти фан ва техника муваффақиятларини кенг пропаганда қилишлари, сермаҳсулликни ишларни ва қўлда бажариладиган ишларни механизациялаш воситаларини, меҳнатни илмий асосда ташкил этишни жорий этишлари, республикадаги ва мамлакатдаги илғор корхоналарнинг бу соҳадаги тажрибасини оммалаштиришга кўмаклашишлари лозим.

Ўзбекистон ССР Министрликлари ва идоралари фан ва техника муваффақиятларини, илғор тажрибаларни ўз қарамоғларидаги ташкилотларда ўрганиш ва улардан фойдаланиш хусусида ҳар йили республика Госпланига маълумот бериб туришлари керак.

Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармасига министрликлар ҳамда идораларнинг, корхоналар ва ташкилотларнинг давлат статистика ҳисоботларини ўз вақтида бериб туриши устидан контролликни кучайтириш ва ўзларига қарашли ҳар бир идора бўйича жамбат обзорларни Ўзбекистон ССР Министрлар Советига тақдим этишни таъминлаш топширилди.

Илмий-тадқиқотлар соҳасида, фан муваффақиятларини, янги техника ва илғор технологияни ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш, ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаш, илмий техника информациясига ва пропагандасига раҳбарликни яхшилаш, Ўзбекистонда рационализаторлик, ихтирочилик ва патент-лицензия фаолиятига раҳбарликни яхшилаш соҳасида республика территориясидаги ишларни планлаштириш, координациялаш даражасини ошириш ҳамда шу ишларнинг бориши устидан контроллик қилиш мақсадида Ўзбекистон ССР Госпланининг фан ва янги техникани жорий этиш бўлимининг ҳуқуқлари ва бурчларини кенгайтириш зарур деб топилди.

Ўзбекистон ССР Госпланига, Тошкент шаҳар ижроия комитетига, Ўзбекистон ССР Госстройига, Ўзбекистон илмий-техника информацияси институти республика илмий-техника кутубхонаси биносининг лойиҳасини тузиш билан боғлиқ барча масалаларни қараб чиқиш ва ҳал этиш, Ўзбекистон ССР Госпланига РНТБ биноси қурилишини назарда тутиш топширилди.

Ўзбекистон ССР Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Ўзбекистон Касаба союзлари Советидан, Тошкент шаҳар ижроия комитетидан Ўзбекистон ССР Госплани билан биргаликда Тошкент шаҳрида республика техника уйи барпо этиш чораларини кўришни талаб қилдилар.

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги, Тошкент шаҳар партия комитети ва Тошкент шаҳар ижроия комитетининг эътибори А. Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат кутубхонасининг нормал ишлай бошлаши масаласига ва шу кутубхона учун янги бино қуриш масаласи секинлик билан ҳал этилаётганлигига қаратилди.

Область, шаҳар, район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари илмий-техника информацияси ва пропагандасига раҳбарликни яхшилаш, корхоналар ва ташкилотларнинг давлат статистика ҳисоботларини ўз вақтида бериб туриши устидан контролликни кучайтиришлари керак.

СИЁСИЙ ЎҚУВНИНГ ЮКСАК ТАЪСИРЧАНЛИГИ УЧУН

СИЁСИЙ МАОРИФ СИСТЕМАСИДА ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИ БОШЛАНИШИ ОЛДИДАН

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг мамлакатимиз пахтакор республикаларининг Тошкентда бўлиб ўтган партия-хўжалик акти ви йиғилишида ҳамда Ўзбекистон ССРга Халқлар дўстлиги ордени топширилишига бағишланган тантанали йиғилишда сўзлаган нутқи республикамиздаги барча партия ташкилотлари учун сиёсий ва ташкилий ишларнинг конкрет программаси бўлди. Буни чуқур ҳис қилган область, шаҳар, район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари Ўртоқ Л. И. Брежнев томонидан республика коммунистлари ва барча меҳнаткашлари олдига қўйилган амалий вазифалар ва улардан келиб чиқадиган сиёсий хулосаларни кенг пропаганда қилмоқдалар.

Сиёсий ва иқтисодий маориф системаларида 15 ноябрда бошланадиган янги ўқув йили республика партия ташкилотларининг ташкилотчилик ва сиёсий ишларини, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашни янада кучайтиришга, Ўртоқ Л. И. Брежнев томонидан Тошкентда қўйилган вазифаларни муваффақиятли бажаришга яқиндан ёрдам беради.

Партиямиз коммунистларни, кенг меҳнаткашлар оммасини ғоявий қуроллантириш, барча совет кишиларида илмий дунёқарашни шакллантириш тўғрисида, революцион кураш ва коммунистик яратувчиликнинг назарияси ва практикасининг муттасил ва органик бирлиги тўғрисида доимо ғамхўрлик қилиб келмоқда.

КПСС XXIV съезди партия ташкилотларидан партия ўқувининг амалдаги системасини янада такомиллаштириши, сиёсий билимлар тингловчиларнинг меҳнат активлиги ва онглилигининг ўсишига таъсирини оширишни, бу ишда юзакичилик кўринишларини кескинлик билан бартараф этишни талаб қилди.

Ўзбекистой КП Марказий Комитети, область, шаҳар ва район партия комитетлари сўнги йилларда коммунистлар ва партиясизларнинг сиёсий ва иқтисодий ўқувини такомиллаштириш борасида катта ишлар қилдилар.

Область, шаҳар ва район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари кадрларга марксча-ленинча ва иқтисодий таълим бериш масалаларини мунтазам муҳокама қиладиган бўлиб қолдилар. Партия ҳужжатларини алмаштиришга тайёргарлик ва бу ишларни ўтказиш давомида коммунистларнинг ғоявий-назарий савиясини ошириш масалаларига жиддий эътибор берилмоқда. Партия ташкилотлари коммунистлар билан яккама-якка суҳбатлар чоғида, уларнинг эътиборини ўзларининг марксча-ленинча ва иқтисодий билимини мунтазам равишда ошириб боришлари лозимлигига қаратмоқдалар.

Партия комитетлари томонидан амалга оширилаётган бу ва бошқа тадбирлар республикада марксча-ленинча ўқувни йўлга қўйиш ва мазмунини анча яхшилашга имкон бермоқда.

Ўтган ўқув йилида республикада партия маорифи шохобчаларида 618 минг коммунист ва партиясиз актив билим олди. Тингловчилар сони 1971-1972 ўқув йилидагига нисбатан 50 минг кишига кўпайди. 43 минг коммунист, шу жумладан 15 минг раҳбар ходим партия ва комсомол сиёсий ҳамда иқтисодий таълим мактабларида пропагандистлик қилдилар.

Ўтган ўқув йили жараёнида тингловчиларнинг КПСС XXIV съезди томонидан ишлаб чиқилган актуал назарий ва сиёсий проблемаларни, партия иқтисодий сиёсатини чуқур ўрганишларига катта эътибор берилди. Сиёсий ва иқтисодий ўқувнинг ҳамма звеноларида коммунистлар ва партиясиз тингловчилар КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг 50 йиллиги тўғрисида»ги доклади ва тантанали мажлисининг бошқа ҳужжатларини, миллий масала бўйича ленинча таълимот ва КПСС сиёсатини, интернационал ва ватанпарварлик тарбия проблемаларини зўр қизиқиш билан ўргандилар.

Буларнинг ҳаммаси партия пропагандасининг мазмунини бойитди, тингловчилар ва кенг меҳнаткашлар оммасининг сиёсий ва меҳнат активлигини янада оширишга ёрдам берди.

КПСС Марказий Комитетининг «Тошкент шаҳар партия ташкилотида раҳбар кадрларнинг марксча-ленинча ўқуви ва иқтисодий таълими» тўғрисидаги қарорига биноан партия комитетлари раҳбар кадрларнинг ўқувига алоҳида эътибор бердилар. Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва область партия комитетлари, барча шаҳар ва район партия комитетлари КПСС Марказий Комитетининг қарорини бажариш юзасидан кенгайтирилган тадбирлар ишлаб чиқилди ва уни амалга оширмоқдалар.

Раҳбар кадрлар ўқувини яхшилашда Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари идеология ходимларининг «Раҳбар кадрларнинг марксча-ленинча ўқуви ва иқтисодий таълими» мавзуида Тошкентда ўтказилган илмий-методик конференцияси катта роль ўйнади. Бу конференция КПСС Марказий Комитетининг пропаганда бўлими ҳамда Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон Компартиялари Марказий Комитетлари томонидан чақирилган эди.

Лекин жойларда марксча-ленинча ва иқтисодий таълимнинг аҳволи ва ўтган ўқув йили якунларини ўрганиш бу ишда ҳамон жиддий камчиликларга йўл қўйилаётганлигини кўрсатди.

Баъзи партия комитетлари ва бошланғич партия ташкилотлари марксча-ленинча назариянинг, КПСС ва халқаро коммунистик ҳаракат ҳужжатларининг барча коммунистлар ва партиясиз активлар томонидан изчил ва чуқур ўрганилишига эришганларича йўқ.

Қатор мактаб ва семинарларда машғулотлар паст савияда ўтказилди. Программа материаллари юзаки, меҳнаткашларнинг коллективлари олдида турган амалий вазифалар билан боғланмаган ҳолда ўргатилди.

Янги ўқув йилида бу ва шу сингари бошқа камчиликларни эътиборга олиш, уларни бартараф этиш чораларини кўрмоқ лозим. Партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотларининг асосий эътибори марксча-ленинча таълимотнинг сиёсий йўналишини кучайтириш ва мазмунини актуаллаштириш, ғоявий-назарий савиясини янада оширишга қаратилмоғи керак.

В. И. Ленин бир неча бор таъкидлаган эдики, марксистлар учун умумий қонунлар, тарихий тенденциялар ва ижтимоий тараққиёт истиқболларини билиш билан бирга, айни вақтда ижтимоий тараққиётнинг объектив мазмунини, конкрет вазиятнинг хусусиятларини ҳам ўрганиш, ҳисобга олиш зарур. Шунинг учун ҳам кадрларимиз илмий дунёқарашнинг пойдевори бўлган марксизм-ленинизмнинг умумназарий қоидаларини ўзлаштиришлари, КПСС сиёсатини чуқур тушуниб етишлари билан мутаносиб уйғунлаштиришлари лозим.

Ўтган ўқув йилларида бўлганидек, янги ўқув йилида ҳам **тингловчиларнинг эътибори В. И. Ленининг назарий меросларини, партия XXIV съезди материалларини, КПСС Марказий Комитети декабрь (1972 йил) ва апрель (1973 йил) Пленумлари қарорлари ва хулосаларини, Ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг 50 йиллиги тўғрисида»ги докладини, РСДРПнинг II съездига бағишланган материалларини, партия ва халқнинг XXIV съезд қарорларини ва тўққизинчи беш йиллик вазифаларини бажариш йўлидаги амалий фаолиятларини ўрганишга қаратилади.**

Ўтган ўқув йилида сиёсий ўқувнинг барча звеноларида бу ҳужжатлар ва материалларнинг қарийб ҳаммаси маълум даражада ўрганилди. Лекин шуни назарда тутиш керакки, машғулотлар жараёнида тингловчиларнинг бир қисмигина бу ҳужжатларда баён қилинган қатор янги назарий ва сиёсий қоидалар билан умумий тарзда танишдилар. Баъзи жойларда эса бу ҳужжатлар ва материаллар етарли даражада мунтазам ва чуқур ўрганилмади, бу ҳужжатлар назарияни ривожлантириш, партия сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалий фаолият учун нақадар улкан аҳамиятга эга эканлиги ҳамма вақт ҳам етарли тарзда очиб берилмади.

Эндиликда ҳар уларда мужассамлашган ғоявий бойликни янада чуқурроқ ўзлаштириш ҳақида бормоқда. Бу эса ҳар бир тингловчидан қунт билан ишлашни талаб қилади. Бунда тингловчиларнинг эътиборини КПСС XXIV съезди қарорлари қандай амалга оширилаётганлигини батафсил таҳлил қилишга қаратмоқ лозим. Бу иқтисодий ва сиёсий ўқувнинг партия ташкилотлари ва меҳнат коллективлари олдида турган конкрет амалий вазифалар билан янада мустаҳкамроқ боғлаб олиб бориш имконини беради, кишиларга ички резервларни қидириб топишда ёрдам беради, уларни меҳнатга ва социалистик мулкка коммунистик муносабат руҳида тарбиялайди.

Ўқув жараёнида **етук социализм жамиятида КПСС раҳбарлик ролининг ошиб бораётганлигини** ҳар томонлама **кўрсатиб бериш** зарурдир. Партия тўғрисидаги ленинча таълимотга таяниб, РСДРП II съезднинг 70 йиллигига бағишланган материаллардан фойдаланиш, партиямиз кўпқиррали фаолиятининг аҳамияти ошиб бораётганлигини ҳамда унинг коммунистик қурилишнинг ҳамма участкаларига самарали таъсирини чуқур очиб бериш, коммунистларда ғоявий эътиқод, профессионал етуклик, юксак ахлоқий фазилатларни тарбиялашга талабчанликни ошириш лозим.

КПСС кадрларнинг иқтисодий билимига ҳар доим катта аҳамият бериб келмоқда. Бу ҳозирги шароитда айниқса актуал аҳамият касб этмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг «Меҳнаткашларга иқтисодий таълим беришни яхшилаш тўғрисида»ги қарорини бажараборб, республика партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари, министрликлар ва идоралар кадрларнинг, кенг меҳнаткашлар оммасининг иқтисодий тайёргарлиги соҳасида катта ишлар олиб бормоқдалар. Оммавий иқтисодий ўқув системаси вужудга келди, ҳамма жойда перспектив планлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда. Бу планларга кўра 4-5 йил ичида моддий бойликлар ишлаб чиқариш билан банд бўлган ҳамма ходимларни иқтисодий ўқувга жалб қилиш назарда тутилган.

Ўтган ўқув йили тажрибаси шуни кўрсатдики, меҳнаткашларга иқтисодий билим беришда муваффақиятлар билан бир қаторда жиддий камчиликлар ҳам рўй берди. Айрим партия комитетларида хўжалик органлари томонидан, етарли назорат олиб борилмаганлиги оқибатида баъзи иқтисодий мактаблар ва семинарларда машғулотлар ғоявий-назарий ва методик жиҳатдан паст савияда ўтди, масалалар жуда соддалаштириб юборилди ва догматизмга йўл қўйилди. Баъзан иқтисод билимлар назарияси меҳнаткашлар коллективлари олдида турган амалий вазифалардан ажралган ҳолда ўрганилди. Жумладан, интенсив ишлаш методлари томон кескин бурилиш, ишлаб чиқаришни бошқаришнинг ҳозирги замон воситаларига томон кескин бурилиш заруратига кам эътибор берилди. КПСС Марказий Комитетининг иқтисодий ўқувни ташкил этишда изчиллик бўлиши зарурлиги тўғрисидаги тавсиясига хилоф тарзда баъзи жойларда ўқувнинг биринчи йилидаёқ етарли база яратмасдан туриб, кишиларни оммавий равишда иқтисодий ўқувга жалб этиш ҳоллари рўй берди. Республиканинг айрим министрликлари ва идоралари ўқув программаларидан чекинишга йўл қўйдилар, ўқиш муддатини қисқартириб юбордилар. Машғулотлар кўп ҳолларда тушки овқат маҳалида, 30-35 минут ичида ўтказилди. Табиийки, бу — ўқувнинг таъсирчанлигини сусайтириб юборди.

Бу ўқув йилида иқтисодий ўқувни ташкил этиш борасида тўпланган тажрибани таҳлилий нуқтаи-назардан таҳлил қилиш, йўл қўйилган камчиликларни тугатиш чораларини кўриш муҳимдир. Партиямизнинг хўжалик сиёсатини ёрқин, чуқур очиб бериш иқтисодий билимларни пропаганда қилишнинг асосий мазмунини ташкил қилмоғи керак.

Вазифа шундан иборатки, иқтисодий ўқув чуқур синфий интернационал дунёқарашни шакллантириш, меҳнаткашларнинг ижодий активлигини кучайтириш, ҳар бир ходимни меҳнат ва социалистик мулкка коммунистик муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, резервларни қидириб топиш ҳамда илғор тажрибани ишлаб чиқаришга хизмат қилдириш ишларига ёрдам бермоғи керак.

Ўртоқ Л. И. Брежнев Ўзбекистон ССРга Халқлар дўстлиги ордени топширилиши муносабати билан Тошкентда ўтказилган тантанали йиғилишда сўзлаган нутқида меҳнат интизомининг жамиятимиздаги роли, интизомни бузишнинг ҳамма кўринишларига қарши кескин кураш олиб бориш лозимлигини алоҳида таъкидлади.

Иқтисодий билимларни пропаганда қилишда оммавий ахборот воситаларининг роли беқиёсдир. Республика ва маҳаллий газеталар, журналлар, телевидение ва радио бу борада катта ишлар қилмоқдалар. Лекин пропагандистлар ва тингловчилар оммавий ахборот воситаларидан ва тингловчилар оммавий ахборот воситаларидан ва иқтисодий ва ижтимоий ҳаётимизнинг ҳамма соҳаларидаги ютуқлар ва камчиликлар ҳақида ўз вақтида ва ҳаққоний ахборотлар бериб борилишини кутмоқдалар.

Партия ташкилотлари ва пропагандистларимиз янги ўқув йилида меҳнаткашларни ахлоқий тарбиялаш масалаларига янада жиддий эътибор беришлари керак. Марксча-ленинча дунёқарашни шакллантириш ва ахлоқий тарбия—яхлит жараёндир. Бу бирлик ҳар қандай фанни ўрганилаётганда, ҳар бир машғулотда акс этмоғи лозим. Қорақалпоғистон АССР, Тошкент ва Сирдарё областларидаги айрим сиёсий мактабларнинг ўтган ўқув йили тажрибаси шуни кўрсатдики, коммунистик ахлоқ проблемалари тингловчиларда катта қизиқиш туғдирмоқда. Бу тажрибани ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш зарур. Шунга эришиш керакки, сиёсий ва иқтисодий билимлар коммунистик ахлоқка зид бўлган хатти-ҳаракатларга қарши курашни кучайтиришга, жамиятимизнинг ғоявий-ахлоқий негизларини янада мустаҳкамлашга ёрдам берсин.

КПССнинг ленинча миллий сиёсатини чуқур ўрганиш ва тушунтириш республикамизда алоҳида актуаллик касб этмоқда. 1974 йил — Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси ва Ўзбекистон Компартияси барпо этилганлигининг 50 йиллигидир. Биноборин, сиёсий маориф системасининг ҳамма звеноларидаги пропаганда ишлари давомида тингловчиларга КПСС ленинча миллий сиёсатининг ҳал қилувчи аҳамиятини, совет халқларининг ва айниқса улуғ рус халқининг Ўзбекистонда Совет ҳокимияти йилларида турли сиёсий, социал-иқтисодий ва маданий қайта ўзгаришларни таъминлашдаги қардошларча ёрдамини кенг тушунтириб бериш, совет халқларининг ягона оиласида республика ишлаб чиқарувчи кучларининг янада ривожланиш истиқболларини ёрқин кўрсатиб бериш зарур.

Янги ўқув йилида КПСС ва Совет давлатининг ҳалқаро муносабатлар назарияси ва партия XXIV съезди томонидан қабул қилинган Тинчлик программасини амалга оширишдаги ташқи сиёсат фаолиятини, КПСС Марказий Комитетининг апрель (1973 йил) Пленуми материалларини, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежневнинг АҚШ, ГФР, Францияга визитларининг якунларини ва унинг тинчликсевар кучларининг яқинда Москвада бўлиб ўтган жаҳон конгрессида сўзлаган «Адолатли, демократик тинчлик учун, халқларнинг хавфсизлиги ва ҳалқаро ҳамкорлик учун» тўғрисидаги нутқини, коммунистик ва ишчи партиялар раҳбарларининг Қримдаги дўстона учрашувлари материалларини чуқур ўрганиш алоҳида ўрин эгаллайди.

Ана шу талабларни эътиборга олиб, сиёсий ва иқтисодий таълим системаси барча звеноларининг ўқув планлари ва программаларига баъзи ўзгаришлар ва тўлдиришлар киритилди.

Дастлаб, партия ва комсомол ўқуви, иқтисодий таълим системасида КПСС ва Совет давлатининг ҳалқаро фаолияти масалаларини ва айниқса, Ўртоқ Л. И. Брежневнинг Тинчликсевар кучларининг ҳалқаро конгрессида сўзлаган нутқини ўрганишга бағишланган махсус машғулотлар ўтказиш тавсия этилади. Партиямиз ташқи сиёсати фаолиятининг ҳозирги замон дунёқараши проблемаларининг назарий ва практик йўналишларини ҳар томонлама кўриб чиқиш учун бу машғулотларнинг ўзи етарли эмаслиги ўз-ўзидан тушунарли. Шунинг учун бу масалалар турли хил ўқув программаларининг тегишли мавзуларида кенг акс эттирилиши, ҳозирги сиёсат ва ҳалқаро проблемаларга бағишланадиган сиёсий мактаблар ва назарий семинарларда батафсил ўрганилмоғи керак.

Ташқи сиёсат масалаларини тушунтираётганда шуни кўрсатиш мумкинки, ҳалқаро вазиятдаги ижобий силжишлар аввало жаҳон майдонидаги кучлар нисбатининг социализм фойдасига ўзгарганлиги натижаси, социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг қудрати мустаҳкамланганлиги, уларнинг жаҳон тараққиётининг боришига аҳиллик билан таъсир кўрсатиш сиёсатининг ўсиб бораётганлиги, ленинча ташқи сиёсат йўлини партиямиз муайян мақсадни кўзлаб ўтказиб келаётганлиги натижасидир.

Партия ташкилотлари ҳар қачонгидек янги ўқув йилида ҳам комсомол ва ёшларни ғоявий чиниқтириш тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилмоқлари лозим. **Комсомол сиёсий маорифи системасининг асосий вазифаси — йигит ва қизларда ғоявий эътиқодни, синфий онглиликни, коммунистик ахлоқни, сиёсий ва меҳнат активлигини, буржуа идеологиясига нисбатан муросасизликни тарбиялашдан иборатдир.**

Комсомол сиёсий маорифи системасида янги ўқув йилида «Партия тўғрисида суҳбатлар» ўрнига «Ёшлар партия тўғрисида»деган янги курс киритилади, назарий семинарларда КПССнинг ташқи сиёсат фаолияти масалалари кенг ўрганилади, комсомолга В. И. Ленин номи берилганлигининг 50 йиллигига тайёргарлик муносабати билан эса «Лениндек ўқиймиз, яшаймиз, курашамиз» мавзуида Ленин дарслари ўтилади.

Партия ва касаба союз ташкилотлари, «Билим» жамияти ташкилотлари оммавий пропаганданинг ғоявий мазмуни ва таъсирчанлигини ошириш тўғрисида, унинг меҳнаткашлар ижодий ташаббусини тарбиялаш ва ривожлантиришга таъсирини кучайтириш тўғрисида ғамхўрлик қилмоқлари керак.

Сиёсий ва иқтисодий ўқув мазмунини актуаллаштириш, унинг сиёсий йўналишини кучайтириш кўп жиҳатдан пропагандист кадрлар составига, уларнинг назарий тайёргарлик ва методик маҳоратига боғлиқ дир. Партия комитетлари, сиёсий маориф ўйлари ва кабинетлари мунтазам равишда пропагандистлар курслари ва семинарлари ўтказишлари, пропагандистларни тўғри танлаш, жойжойига қўйиш ва ўқитиш тўғрисида ғамхўрлик қилишлари керак.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети пропагандистлар ўқувига алоҳида эътибор бериб, назарий семинар раҳбарларининг иқтисодий проблемалар юзасидан зоналар бўйича қисқа муддатли курсларини ташкил этди. Бу курсларда мингга яқин пропагандист қайта тайёргарликдан ўтказилди.

Бу йил Наманган область партия комитети пропагандист кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни айниқса яхши ташкил этди. Область партия комитетининг сиёсий маориф уйи июль ва август ойларида 2 минг пропагандистни ҳафталик курсларда ўқитди. Ҳозирги вақтда Тошкент шаҳрида, Фарғона, Андижон, Сурхондарё, Самарқанд ва Қорақалпоғистон область партия комитетларининг сиёсий маориф ўйларида пропагандистларнинг табақалаштирилган ўқуви бормоқда. Комсомол сиёсий маорифининг 2 мингдан зиёд пропагандисти Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети томонидан ташкил қилинган областлараро семинарларда таълим олди.

Марксча-ленинча ғояларни кенг омма онгига сингдириш, КПСС ва Совет ҳукумати сиёсатининг мазмунини чуқур очиб бериш, кишиларни коммунистик қурилишнинг амалий вазифаларини бажаришга сафарбар этиш — пропагандистларимизнинг бурчи ва жанговар вазифасидир. Пропагандистлар олдида турган яна бир вазифа шундан иборатки, улар ҳар бир янгиликни тез пайқаб олишлари, уни оммалаштиришлари зарур. Тингловчиларга, аввало колхозчи-деҳқонларга фикр доирасини кенгайтирадиган билим бериш билан бирга, ана шу билимларни амалий ишда қўллана билишларига ёрдам бермоқ керак.

Сиёсий маориф ва иқтисодий билимлар системасида бошланадиган янги ўқув йили — бутун ғоявий-сиёсий ишлар савиясини янада ошириш, республика меҳнаткашларининг куч-ғайрати ва ижодий ташаббусини беш йиллиқнинг учинчи, ҳал қилувчи йили юксак социалистик мажбуриятларини ҳамда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежнев томонидан республика меҳнаткашлари олдига қўйилган вазифаларни бажаришга сафарбар қилиш, Ўзбекистон ССР ва республика Компартиясининг 50 йиллигини муносиб нишонлаш йили бўлмоғи керак.

МЕҲНАТ ҚАҲРАМОНЛАРИГА МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ

ҚАРШИ, 3 ноябрь. (ЎзТАГ). Бугун бу ерда Қашқадарё чорвадорларидан катта бир группасига ҳукумат мукофотларини тантанали вазиятда топшириш маросими бўлиб ўтди. Қашқадарё чорвадорлари Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида эришган муваффақиятлари ҳамда 1972-1973 йилнинг қиш даврида чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш ва тайёрлаш юзасидан олинган юксак социалистик мажбуриятларни бажаришда эришган шавкатли меҳнати учун ана шу мукофотларга сазовор бўлдилар.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. М. Матчонов орден ва медалларни топширар экан, илғор чорвадорларни қизғин табриклади, уларга меҳнатда янгидан-янги муваффақиятлар тилади.

Мукофотланганлар номидан «Ўзбекистон» давлат наслчилик заводининг директори Н. Рустамов, «Ғузор» давлат наслчилик заводининг бош чўпони К. Турсунов сўзга чиқдилар. Улар ўз меҳнатларини юқори даражада тақдирлаган партия ва ҳукуматга қизғин миннатдорчилик билдирдилар, тўққизинчи беш йиллик учун олган социалистик мажбуриятларини муддатидан илгари бажаришга аҳд қилганликларини изҳор этдилар.

ДЎСТОНА СУҲБАТ

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари ва ташқи ишлар министри М. Т. Турсунов Тошкентда меҳмон бўлиб турган тинчликсевар кучлар жаҳон конгресси қатнашчиларини—Марказий Африка Республикасининг ҳукмрон партияси — «Қора Африка Социал эволюцияси ҳаракати» раисининг ўринбосари, Бош министр Э. Домиссьен хоним бошчилигидаги Марказий Африка Республикаси вакилларини қабул қилди.

Суҳбат самимий, дўстона вазиятда ўтди. (ЎзТАГ).

ХУРМАТ ТАХТАСИ

Пахта тайёрлаш ҳалқ хўжалик планини муддатидан олдин бажарганликлари учун қуйидагилар республика «Хурмат тахтаси»га ёзиладилар:

Урганч районы — район партия комитетининг секретари Ўртоқ **Назаров**, район ижроия комитетининг раиси Ўртоқ **Матчонова**, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи Ўртоқ **Эгамберганов**, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси Ўртоқ **Нуруллаев**, район комсомол комитетининг секретари Ўртоқ **Ражабов**;

Охунбобоев районы — район партия комитетининг секретари Ўртоқ **Султонов**, район ижроия комитетининг раиси Ўртоқ **Аҳмадалиев**, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи Ўртоқ **Содиқов**, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси Ўртоқ **Абдуллаев**, район комсомол комитетининг секретари Ўртоқ **Қосимов**;

Тошлоқ районы — район партия комитетининг секретари Ўртоқ **Маҳмудов**, район ижроия комитетининг раиси Ўртоқ **Абдурахмонов**, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи Ўртоқ **Хасанов**, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси Ўртоқ **Колесников**, район комсомол комитетининг секретари Ўртоқ **Ортиғалиев**.

Турсунқулов номли колхоз ғалабаси

ЯНГИЙЎЛ, («Совет Ўзбекистони» махсус мухбири). Уч марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳамроқул Турсунқулов номли колхоз меҳнат аҳли зафар қучди, 1500 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 31 ярим центнердан «оқ олтин» хирмони кўтариб, халқ хўжалик планини бажарди. Тайёрлов пунктига 4.720 тонна дурдона етказиб берди. Ялпи ҳосилнинг асосий қисми биринчи сортга қабул қилинди.

«Зангори кема»лар юқори унум билан ишлади ва бункерлардан салкам икки минг тонна пахта тўкилди, бу ўтган йилдагидан 600 тонна кўп. Эргаш Жўраев, Олимжон Маликов Лутфулла Назаров, Райимберди Йўлдошев, Ёқуб Сарибоев бошлиқ бригадаларда ҳосилдорлик гектар бошига 35-40 центнерни ташкил этди.

Бошманали Темиров, Тамара Муҳаммаднева, Мурод Тошбоев, Хошим Қосимов, Турсун Алдашев, Тошкенбой Обидов каби механик-ҳайдовчилар меҳнатда жасорат кўрсатиб ишлаб, мавсум нормасини анча ошириб бажардилар.

Колхоз меҳнат аҳли ички имкониятларини қисоблаб чиқиб, она Ватанга яна 300 тонна пахта етказиб бериш ҳақида оширилган мажбурият қабул қилдилар.

Хўжаликда дон, шу жумладан шоли, сут, гўшт, тухум, жун, картошка, сабзавот, мева ва бошқа хил қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш планлари ҳам ошириб адо этилди.

ЯНГИ АНЪАНАЛАР — ҲАЁТГА

МАРОҚЛИ УЧРАШУВЛАР

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов район партия комитети, район ижрокомининг маданият бўлими ҳамда А. С. Пушкин номидаги маданият ва истироҳат боғи маъмурияти ташаббуси билан хотин-қизлар халқ маданияти университети ташкил қилинди. Университет машғулотлари райондаги маҳалла ва массивларда ўтказилади.

Университетнинг биринчи машғулоти районнинг «Октябрь 40 йиллиги» маҳалласи клубида бўлди. Машғулотга Охунбобоев номли ёш томошабинлар театридан Ўзбекистон ССР халқ артисти Манзура Ҳамидова, Воҳид Қодиров, Турсун Валиев, артистлардан Хайрулла Саъдиев, Лутфулла Саъдуллаев ва бошқалар ташриф буюришди. Тошкент телестудиясининг «Оталар сўзи, ақлнинг кўзи» мавзуидаги эшиттиришларини олиб борувчи, Ўзбекистон халқ артисти Карим Хонкелдиев телекўрсатувлар ҳақида қизиқарли суҳбат ўтказди. Шундан сўнг артистлар қайнона ва келин, она ва ўғил ўртасида учрайдиган айрим камчиликларни жонли акс эттирувчи номерларни ижро этдилар. Бу учрашув маҳалла аҳлида яхши таассурот қолдирди.

Бир ойда икки марта бўладиган университет машғулотларида оила ва мактаб, бола тарбиясида ўрнакли онахонларнинг маслаҳатлари, оила ва турмуш, интернационал дўстлик, Ўзбекистоннинг олтин юбилейи ҳақида, янги урф-одатлар, халқаро аҳвол сингари темаларда лекция ва суҳбатлар ўтказиш кўзда тутилган.

С. ЙЎЛДОШЕВА.



КУРАШАЁТГАН ХАЛҚ ОБРАЗИ

«Чили халқ бирлиги байроғи остида». Ватанимиз пойтахти Москвада очилган навбатдаги кўргазмага ана шундай ном берилди. СССР Рассомлар союзи биносида ташкил этилган мазкур кўргазмада асосан, мўйқалам устаси Илья Глазуновнинг расмлари намойиш этилянти.

Кўргазмага қўйилган расмлар аввало ўзининг ҳужжатлилиги ҳамда образли ифодаси билан томошабин диққатини тортади. Журналист-рассом И. Глазунов Чили бўйлаб узоқ муддатли сафар чоғида ҳарбий хунтанинг таҳқирлаши ва терроригa қарши мардонавор курашаётган меҳнаткашларни ўз кўзи билан кўрди. Таассуротларини қаламга олишга ҳаракат қилди.

Рассомнинг катта-кичик расм ва полотноларида мамлакат хўжалигининг турли соҳаларида ишлаётган меҳнат аҳли ҳамда фидокор курашчи, толмас коммунист, Чили президенти Сальвадор Альенденинг митингларда сўзлаётган қиёфалари ифодаланган. Муаллиф ўз асарларида президентнинг оддий ҳамда инсонпарварлигини кўрсатиш билан бирга йирик сиёсий ва жамоат арбоби, Чили халқининг доҳийси сифатида ҳам гавдалантира олган. Қўш портрет расмда Чили Компартияси бош секретари Луис Корваланнинг образи яратилган.

Санъат мухлислари рассом асарлари орқали, шунингдек, чилилик студент-ёшлар, кончилар, металлургларга, халқ музикачилари ва бошқалар билан танишмоқдалар. Уларнинг график ифодаларига тикилганда ўзига хос характер, қалб туғёнлари, ўтли ҳамда мақсадга интилувчан ниятларга дуч келяптилар.

— Сафар чоғида, — дейди И. Глазунов, — чилиликларнинг эрксевар халқ эканини кўрдим, мамлакатда ҳозирча ижтимоий ғалаёнлар ҳукмронлик қиляпти. Биз чили ватанпарварларининг адолатли кураши тантана қилишига ишонамиз.

Суратларда: кўргазмада намойиш этилаётган расмлардан намуналар.

О. АПУХТИН, санъатшунос.

АХБОРОТ

ШИНГИЛ ХАБАРЛАР

ҚУРУВЧИЛАР ҲИММАТИ

ҚАШҚАДАРЁ. Дўстберди массивидаги «Марксизм» колхозида кўркам посёлка вужудга келаётир. Бу посёлкани Қашқадарё область колхозлараро қурилиш трести қурувчилари бунёд қиляпти. Яқинда 50 га яқин онла дастлабки шинам уйларга кўчиб кириб, ҳовли тўйлари ўтказишди. 8 йиллик мактаб, болалар комбинати, колхоз маъмурий бинои, клуб, ошхона ва магазин қурилиши тугалланай деб қолди.

Х. РАВШАНОВ.

САНЪАТКОРЛАР ХИЗМАТДА

АНДИЖОН. Меҳнат Қизил Байроқ орденли Қори Еқубов номли Ўзбекистон давлат филармонияси «Шодлик» ашула ва рақс ансамблининг 40 дан ортиқ санъаткорлари Андижон область пахтакорларининг меҳмони бўлдилар. Улар район марказларида, дала шийпонларида бўлишиб, ранг-баранг программаларда концерт бердилар.

Н. ИНОҚОВ, «Совет Ўзбекистони»нинг штатсиз мухбири.

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА 1973 ЙИЛ 7 НОЯБРДА МЕҲНАТКАШЛАР ВАКИЛЛАРИНИНГ НАМОЙИШИ ТЎҒРИСИДА

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 56 йиллиги кунида 7 ноябрда соат 10 да В. И. Ленин номли майдонда Қизил байроқли Туркистон ҳарбий округи қўшинларининг паради бўлади, у тугагандан кейин эса Тошкент шаҳар меҳнаткашлар вакилларининг умумшаҳар намойиши ўтказилади.

Намойиш соат 11 да бошланади.

Намойишда қатнашадиган меҳнаткашлар вакиллари корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва ўқув юртлари бўйича ўз йиғилиш пунктларида тўпланадилар ва В. И. Ленин номли майдонга уюшган ҳолда район колонналари билан белгиланган маршрут бўйича борадилар.

В. И. Ленин номли майдонга таклиф билетлари билан кирувчи шахсларни қўйиш соат 9 дан 45 минут ўтганда тўхтатилади.

Махсус пропускали автомашиналардан ташқари барча турдаги транспорт ҳаракати шаҳарнинг марказий қисми Навоий, Энгельс, Пролетар, Шота Руставели, Ўзбекистон, Ленин проспекти, Карл Маркс кўчаларида соат 7 да тўхтатилади ва меҳнаткашлар намойиши тугагандан сўнг қайта йўлга қўйилади.

ШАҲАР КОМИССИЯСИ.

Реклама ва эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 9.25 — ТОШКЕНТ. 9.30 — Янгиликлар. 9.40 — Ўқувчилар учун кўрсатувлар. 11.00 — МОСКВА. 11.05 — Янгиликлар. 11.10 — «Будильник». 11.40 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан. 12.40 — Янгиликлар. 13.40 — СССР Давлат мукофотига номзодлар. 14.00 — Ўқувчилар учун кўрсатув. 15.00 — Музикали киоска. 15.30 — **Киносаҳатчилар клуби.** 16.30 — Концерт залларида. 17.15 — ТОШКЕНТ. 17.25 — Кинофильм. 17.55 — «Колокольчик». 18.25 — МОСКВА. Халқаро панорама. 18.55 — ТОШКЕНТ. Ахборот. 19.10 — **Учрашув** (бадиий фильм). 20.15 — Ахборот. 20.35 — Ўн минут музика. 20.45 — **Илғорлар минбари.** 21.00 — Талабларга мувофиқ концерт. 22.00 — МОСКВА. «Вақт». 22.30 — ТОШКЕНТ. «Балет кечаси». ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00 — ТОШКЕНТ ЎҚУВ КЎРСАТУВЛАРИ. 17.15 — МОСКВА. **Муму** (бадиий фильм). 18.25 — ТОШКЕНТ. Ҳужжатли фильмлар. 18.55 — МОСКВА. **Сув полоси.** СССР биринчилиги. 19.25 — Чет эллик меҳмонларимиз. 19.40 — Концерт. 20.20 — **Пўлат қандай тобланди** (бадиий фильмнинг 2-серияси). 21.30 — Хатлар асосида музикали программа. 22.00 — ТОШКЕНТ. Реклама. 22.20 — Врач маслаҳати 22.30 — МОСКВА. Телеминиатюралар театри

УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.10 — ФРУНЗЕ КЎРСАТУВЛАРИ.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 4/XI да **Жизель** (кундуз соат 12 да). **Севги тумори** (кечқурун).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 4/XI да **Абу Райҳон Беруний.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 4/XI да **Хотинимнинг эри,** 5/XI да **Ҳалима.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 4/XI да **Ойдин.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **МОСКВА ДАВЛАТ ЦИРКИ АРТИСТЛАРИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ** (кеч соат 7 яримда, шанба ва яншанба кунлари кундуз соат 12, 3 ва кеч 7 яримда).

КИНО

Оддий кийимдаги киши — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Ўғай она — «ЧАЙКА» (ҳуфт соатларда), «СПУТНИК», «ДРУЖБА» (тоқ соатларда), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», ҲАМЗА номли (кундуз ва кечқурун).

Эпчиллик, жаноби олийлари — «СПУТНИК», «ДРУЖБА» (ҳуфт соатларда), «МИР» (кундуз ва кечқурун).

Телбалар ҳафтаси — НАВОИЙ номли, «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Иван Васильевич касбини ўзгартирмоқда — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Санников ери — «МОСКВА» (ҳуфт соатларда), «КЎКЧА» (кундуз ва кечқурун).

Фирибгар «Фариштa» — С. РАҲИМОВ номли (кундуз ва кечқурун).

Серафимга аталган уй — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Решма ва Шера — «МОСКВА» (тоқ соатларда).

Кашмирдаги севги — Ғ. ГУЛОМ номли (кундуз ва кечқурун).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ ПЛАН КОМИТЕТИ ИЛМИЙ-ТЕХНИКА ИНФОРМАЦИЯСИ ВА ПРОПАГАНДАСИ ИНСТИТУТИНИНГ РЕФЕРАТИВ ТЎПЛАМЛАРИГА

ОБУНА ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

«ЯНГИ ТЕХНИКА»
(ўзбек тилида)
Йилига 12 марта чиқади. Бир йиллик обуна баҳоси — 3 сўм 60 тийин, ойрим сони — 30 тийин.
«Союзпечать» каталоги бўйича индекси — 75217.

«МЕХАНИЗАЦИЯ ХЛОПКОВОДСТВА»
(рус тилида)
Йилига 12 марта чиқади. Бир йиллик обуна баҳоси — 3 сўм 60 тийин, ойрим сони — 30 тийин.
«СОЮЗПЕЧАТЬ» каталоги бўйича индекси — 75214.

«ХЛОПКОВАЯ ПРОМЫШЛЕННОСТЬ»
(рус тилида)
Йилига 4 марта чиқади. Бир йиллик обуна баҳоси — 1 сўм 20 тийин, ойрим сони — 30 тийин.
«СОЮЗПЕЧАТЬ» каталоги бўйича индекси — 75215.

«ШЕЛК»
(рус тилида)
Йилига 4 марта чиқади. Бир йиллик обуна баҳоси — 1 сўм 20 тийин, ойрим сони — 30 тийин.
«СОЮЗПЕЧАТЬ» каталоги бўйича индекси — 75216.
ТЎПЛАМЛАРГА «СОЮЗПЕЧАТЬ»НИНГ БАРЧА БЎЛИМЛАРИДА ЕЗИЛИШ МУМКИН.

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ЎРТА ОСИЕ ИРРИГАЦИЯ ИЛМИЙ-ТАД. ҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
вакант вазифаларга
КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ
кафедра мудирлари: мелиоратив процесслари физик-математик моделлаштириш ва дренаж лабораторияси, мелиоратив гидро-геология сектори.
Конкурсда фан доктори ёки кандидатлик илмий даражасига эга бўлганлар ҳамда катта ишлаб чиқариш тажрибасига, илмий ишларга ва ихтироларга эга бўлган юқори малакали мутахассислар қатнаша оладилар.
Конкурсдан ўтган бошқа шаҳарлик мутахассислар квартира билан таъминланадилар.
Конкурс муддати — 17 ноябргача.
Ҳужжатлар: Тошкент шаҳар, Я. Колас кўчаси, 24-уйга юборилсин.*

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ
1973—1974 ўқув йили учун ФИЗИКА, МАТЕМАТИКА, УМУМТЕХНИКА ВА МЕҲНАТ, МУЗИКА ВА АШУЛА ИХТИСОСЛИКЛАРИ БЎЙИЧА ТАНЕРЛОВ БЎЛИМИГА ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ
Тайёрлов бўлимига ўрта маълумотга эга бўлгандан сўнг камида бир йиллик узлуксиз меҳнат стажига эга бўлган илғор колхозчи ва ишчи ёшлар, шунингдек Совет Армияси хизматини ўтаган ёшлар қабул қилинади.
Тайёрлов бўлимининг битириш имтиҳонларини муваффақиятли топширган барча тингловчилар шу институтнинг кундузги бўлим 1-курсига конкурссиз қабул қилинадилар.
Тайёрлов бўлимига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар топширилади: ректор номига ариза, маълумоти ҳақидаги ҳужжат (аса нусхаси), иш жойидан характеристика, иш жойидан йўлланма, меҳнат дафтарчаси, медицина справкаси (286-форма), 6 дона фото сурат (3x4 см.). Паспорт ва ҳарбий билет шахсан кўрсатилади.
Ҳужжатлар — 20 ноябргача қабул қилинади.
Кирувчилар билан суҳбат 20-25 ноябрга ўтказилади.
ҲУЖЖАТ МУДДАТИ — 8 ОЙ.
Тайёрлов бўлимига қабул қилинганларнинг барчаси институт томонидан стипендия билан (областлардан келганлар ётоқхона билан) таъминланадилар.
Мурожаат учун адрес: Тошкент-64, Педагогика кўчаси, 103-уй, 2—20-хона.

«МЕҲНАТ ВА ТУРМУШ» журналига ОБУНА БЎЛИШНИ УНУТМАДИНГИЗМИ?
«МЕҲНАТ ВА ТУРМУШ» журналига
ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА
Журнал 1974 йилда асосан обуначиларга тарқатилади. Шунинг учун у киоскаларга кам миқдорда чиқарилади. «Меҳнат ва турмуш»ни мунтазам ўқишни истаган журналхон унга бир йўла обуна бўлиб қўйгани яхши.
Журналга «Союзпечать» ва алоқа бўлимларида бемалол ёзилиш мумкин.
Журнал индекси 73307.
Йиллик обуна баҳоси 3 сўм 60 тийин, ярим йилга 1 сўм 80 тийин.

«ЎЗГЛАВЭЛЕКТРОСНАБСВИТЬ»НИНГ КАБЕЛЬ МАҲСУЛОТЛАРИ МАХСУС БАЗАСИГА
бош бухгалтер
КЕРАК
Тошкент шаҳар, Пролетар кўчаси, 4-уй — Аҳолини ишга жойлаштириш ва информация бюроси ҳамда район ижроия комитетлари ҳузуридаги инспекторларга учрашилсин.

Илмий муассасаларда

ЕТТИ ИҚЛИМ БОҒИ

1969 йили Лондон шаҳрида инглиз олими Эдуард Гламснинг «Жаҳоннинг йирик ботаника боғлари» номли асари босилиб чиқди. Унда олим Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Тошкент Ботаника боғига юксак баҳо бериб, уни жаҳонда машҳур бўлган 42 улкан боғнинг сардорлари сафига қўшди. Шундан бери анча вақт ўтди. Бу давр мобайнида боғ янада кўркам бўлди, гўзаллашди.

Совет Иттифоқи билан Америка Қўшма Штатлари ўртасида қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳамкорлик қилиш ҳақидаги шартномада шундай банд бор: «Ботаника боғлари ўртасида бевосита тажриба алмаштиришни йўлга қўйиш». Ҳозир шартнома кучга кирмоқда. Буни Тошкент Ботаника боғи мисолида яққол кўриш мумкин. Ҳамкорликнинг асосий формаларидан бири — уруғ алмаштиришдир. Тошкент Ботаника боғидан қатор социалистик мамлакатларга, Америка, Англия, Франция, Данияга уруғ солинган пакетлар мунтазам жўнатилмоқда. Худди шундай йўл билан ноёб уруғлар олиняпти ҳам.

80 гектар майдонни эгаллаган бу боғда етти иқлим ўсимликларининг олти мингдан зиёд тури парвариш қилинади. Боғнинг Шимолий Америка, Узоқ Шарқ, Европа, Шарқий Осиё, Кавказ, Ўрта Осиё участкаларида жаҳон ўсимликларининг катта коллекцияси мавжуд. Чунончи, Шимолий Американинг 600, Шарқий Осиёнинг 950 хилдаги ўсимликлари шулар жумласиндандир.

ТАБИАТ ЗАВҚИ — ШИФО

Шаҳарларимиз кун сайин гўзаллашиб, уларнинг ҳуснига-ҳусн, чиройига чирой қўшилиб бормоқда. Хиёбонлар, истироҳат боғларидаги қишин-ёзин ўз чиройини ўзгартирмайдиган ранг-баранг, хушбўй гуллар, ям-яшил, шифоли, манзарали, дарахтларни кўриб баҳридилинг очилади, киши! Бундай пайтда киши ўзини руҳан ва жисмонан тетик ҳис қилади. Табиат завқи — шифо деб шуни айтсалар керак.

Ҳозирнинг ўзида шаҳарларимизда игна баргли дарахтларнинг 162 хилини, биргина қарағайнинг 53 дан ортиқ турини учратиш мумкин. Улар ер қитъасининг турли районларидан Тошкент Ботаника боғига келтириб парвариш қилинган. Боғда манзарали дарахтларни кўпайтириш, уларни республикамиз об-ҳаво шароитига мослаштириш ишлари билан биология фанлари доктори Таиса Славкина шуғулланади.

— Ҳар йили республикамизда кўкаламзорлаштириш ойлиги ўтказилади, — дейди Таиса Славкина. — Шу пайтда биз республикамиз шаҳар ва районларига минглаб манзарали дарахтлар етказиб берамиз. Лекин баъзи ташкилотлар бу ноёб дарахтларнинг қадрига етмайдилар. Кўчатларни ўтказиш билан чекланиб, уларнинг парваришига етарли эътибор бермаяптилар. Шу сабабли кўпгина дарахтлар қуриб қолаётир. Истардиккки, шаҳар ва қишлоқларимиз боғ-роғлар масканига айланса... Билим ва меҳнатимизни шу мақсад йўлига сарф қиляпмиз.

БИРИНЧИСИ — ГИЕҲ

Доноларнинг айтишларича, ҳар қандай касалликни уч хил усул билан тузатиш мумкин. Биринчиси — гиёҳ, иккинчиси ширин сўз, учинчиси — тиг.

Юрак касалликларининг баъзи турлари гарчи операция усули билан тузатилаётган бўлса-да, юрак таблетка танлаб таъсир қиладиган дориларнинг асосий қисми ўсимликлардан олинади. Строфантин — юрак глюкозидларидан бири. У кўп йиллар мобайнида чет эл мамлакатларидан олинган. Яқинда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ўсимлик моддалари химияси институтининг ходимлари Ботаника боғида ўстирилаётган Шимолий Америка киндери дарахти таркибида строфантин моддаси борлигини аниқлашди. Энди бу моддадан Тошкент Фармацевтика заводида дори тайёрланади.

Ҳозир Ботаника боғининг доривор ўсимликлар участкаси кенгайтирилди. Унда ер юзининг турли бурчакларида учрайдиган 474 турдаги гиёҳ ва дарахтлар парвариш қилинмоқда. Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг қарорига мувофиқ республикада янги махсус совхоз ташкил қилинди. Совхозда фақат доривор ўсимликлар ўстирилиши кўзда тутилмоқда. Ботаника боғининг илмий ходимлари томонидан янги совхоз учун амалий ёрдам кўрсатилади. Доривор ўсимликларнинг ранг-баранг навлари етказиб берилади. Гиёҳларнинг совхоз шароитига мослаштириш агротехникасини катта илмий ходим — биология фанлари кандидати К. Хўжаев ишлаб чиқди.

ОКЕАН ОРТИ ТЕРАКЛАРИ

Теракда ҳосият кўп, дейишади. Ҳақиқатан ҳам шундай. Қишлоқ йўлларининг икки четида шабада оғушида соллона-соллона бош эгиб турган салобатли теракларни кўз олдингизга келтиринг. Ёки хазонрезги пайтида олтин ранг япроқларни ўйнаб-ўйнаб ерга тушаётганини тасаввур қилинг. Қандай чиройли-а! Кишига ажиб бир завқ бахш этади.

Энг кераклиси — терак қадимда ҳам, ҳозир ҳам қурилиш материали сифатида кенг қўлланилади. «Терак экинг, керак бўлади», деб халқимиз бежиз айтмаган.

Шимолий Америкадан келтирилган «муқим меҳмон»лардан яна бири — кечки терак деб аталади. Океан орти тераклари учун биология фанлари доктори Аҳмад Усмонов маҳаллий шароитни ҳисобга олиб, уларни парваришлаш агротехникасини ишлаб чиқди. Агротехника қоидалари ҳам, республикамиз об-ҳавоси ҳам теракларга «ёқиб» қолди. Шунисе қизиқки, ўз Ватанида йилига бир, бир ярим метрдан бўй чўзаётган дарахтлар бизнинг шароитимизда бир мавсумда 4, ҳатто 5 метргача ўсяпти. Улар маҳаллий теракларга нисбатан қашарот ва зараркунандаларга ҳам чидамли.

Тез «балоғатга етувчи бу нав теракларнинг харидорлари кўпайиб бормоқда. Ботаника боғида океан орти теракларининг кўчатлари кўпайтириляпти. Улар республикамиз колхоз ва совхозларига ҳам етказиб берилади.

ПАХТА ГУЛИ

Кейинги пайтда шаҳарларимиз хиёбонларида, истироҳат ва маданият боғларида янги навдаги гуллар учраб бошлади. Бу гул кўринишидан пахтани эслатади. Шунинг учун ҳам уни «Пахта гули» деб аташади.

«Пахта гули» Ботаника боғи директори, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги Ф. Н. Русановнинг сермашаққат меҳнати натижасидир. Янги нав боғдаги америка гуллари асосида яратилган. Эндиликда бу гулнинг уруғлари ўзбек миллий гуллари қаторида жаҳоннинг кўпгина ботаника боғларига юборилянти.

Боғ ишчилари келгуси йилда Тошкент шаҳри хиёбонлари учун 1500 туп янги гул кўчати етказиб берадилар. Шунингдек, «Пахта гули» Ангрен ва Нукус шаҳарлари хиёбон ва боғларини ҳам безайди.

А. ҚУРБОНОВ, Р. ШЕРАЛИЕВ, ТошДУ студентлари.

⊙ СПОРТ ⊙ СПОРТ ⊙ СПОРТ ⊙ СПОРТ ⊙ СПОРТ ⊙ СПОРТ ⊙ СПОРТ ⊙ СПОРТ ⊙ СПОРТ ⊙ СПОРТ ⊙ СПОРТ ⊙ СПОРТ

ШАХМАТ

САРҲАДЛАРИ КЕНГ ЎЙИН

Ошнамнинг сўзларини ҳазилга йўйиб юрардим.

— Иккита ўйин ўргатиб қўйсанг, — дерди у, — ҳар гал учрашганимизда, идорамиздагиларни боплаб мот қилиб турсам?..

Авваллари «хўп-хўп» деб юрдим. Кейин қарасам, илтимоси жиддийга ўхшаб қолди. «Кошкийди» деб қўйдим ичимда. Шу йўл билан зўрроқларни мот қилиб бўлса, ўзим ўттиз йилдан бери ўрганиб келаётган нарсаларимни ишга солиб жамики гроссмейстерларчинг «додини бермасмидим!!». Афсуски, шуни тушунтира олмайман-да. Яқинда ниҳоясига етган мамлакат 41-чемпионатида шундай ўйинлар бўлдики, мураккаблигидан «тайёр ош»ни чайнолмай таажжубланганлар анчагина. Каминани ҳам ўшалар қаторида деяверинг. Ажойиб тактикавий маҳорати туфайли кучлилар сафига кирган ёш мастер Н. Рашковский Б. Спасскийга қаршин ўйинда чунон қаттиқ зарбага учрадики, охири «сабоқ учун раҳмат» деди рақибига. Воқеа бундай ривожланди. Рашковский ўзи севган, авваллари унга қатор ғалабалар келтирган бир вариантни сира ҳадиксирамай қўллади. Юришлар сони ўнтадан ошгач, Спасский «китобий» ўйинининг ўрнига ногоҳ бир отини қурбон қилди. Яна икки-уч юришдан сўнг қора шоҳ қароргоҳи бамисоли ўт ичида қолди: фарзин бошлиқ оқ сипоҳлар «заҳарли нишларини ура бошлаганда, ёш мастер бир руҳу бир фили ортиқ бўлатуриб қаршиликни тўхтатди. Шунда йигирматадан зиёл ортиқ юриш қилинганди, холос.

Шахмат ўйинчини бир қолипга солиб бўлганда эди ,у асрлар давомидаги синовларга бардош бера олмас, аллакачонлар «гумдон» бўларди, албатта. Шахмат ижодий уфққа чегара қўймаслиги билан кишиларни ўзига ром қилиб келаётгани маълум-ку. Унинг сарҳадлари чексиз. Собиқ жаҳон чемпиони Борис Спасский бошқа учрашувларини ҳам дадил, ижодкорона услубда ўтказганлиги важидан асосий рақибларидан ўзиб кетди: 17 имкониятдан 11,5 очко олиб, яна совет гроссмейстерларининг пешқадами бўлди. Кумуш медаль одатда бир кишига берилади. Бу сафар бирданига беш шахматчи уни олишга сазовор бўлди. Бир хил натижа — 10,5 тадан очко тўплашга эришган Т. Петросян, В. Корчной, А. Карпов, Л. Полугаевский ва Г. Кузьминлар иккинчи-олтинчи ўринларни ўзаро баҳам кўрдилар. Булар қатори 7-8 ўринларни эгаллаган Е. Геллер ва ереванлик ёш мастер К. Григорьян ҳамда 9-ўринга илинган М. Таль шартга кўра олий лигада қолдилар. В. Смислов, М. Тайманов, П. Керес сингари забардаст гроссмейстерлар биринчи лигага тушишга «маҳкум» этилдилар. Яна олий лигадан жой олиш учун улар келгуси йили Тошкентда ўтадиган биринчи лига мусобақаларида ўзларини кўрсатишлари керак. Бу турнирга бошқа гроссмейстерлар ҳам келади. Республикамиз пойтахти ўшанда шахмат марказларидан бири бўлади.

Бу йилги биринчи лига мусобақалари Тбилисида, олий лига билан бир вақтнинг ўзида ўтди. Қаттиқ рақобат охири Р. Ваганян, Р. Жинжихашвили, Е. Васюков ва С. Фурманнинг ғалабаси билан тугади. Низомга кўра улар энди олий лигада ўйнайдилар.

М. МУҲИДДИНОВ, СССР шахмат федерацияси президиумининг аъзоси, СССР спорт мастери.

ШАШКА

ЮЛДУЗЛАР ПОРЛАЙВЕРСИН

Халқаро шашка бўйича Тошкент турнири тугади. Бу мусобақа мамлакатимиз хотин-қиз шашкачиларининг имкониятларини яққол кўрсатди. Шу вақтгача халқаро шашка бўйича хотин-қизлар ўртасида СССР чемпионати ўтказилмагани сабабли, улар орасида қайсилари энг кучли эканлигини тайин айтиш қийин эди. Ўзбекистон пойтахтида республикамиз «Спартак» жамияти очиқ биринчилиги мусобақаларида мамлакатимизнинг энг кучли шашкачилари иштирок этдилар.

Калинин шаҳридан келган спорт мастери Татьяна Степанова 13 имкониятдан 9,5 очко тўплаб, Тошкент турнирининг ғолиби бўлди. Ленинградлик Г. Глазова ва Куролли Кучлар вакили Л. Григорьевалар учрашуви мукофотли ўринларни тақсимлашда муҳим роль ўйнади. Лекин дуғоналар битимга имзо чекиш билан чекландилар. Минсклик Н. Белорицкая ҳам улар билан тенг — 8,5 та очко тўплади.

Тошкентлик спартакчи Ҳадича Иброҳимова 8 очко билан бешинчи ўринни олди ва биринчи марта мастерлик нормасини бажарди. Тошкентлик Озода Аҳмедова 7,5 очко, фарғоналик Зоя Сафина 3 очко, тошкентлик П. Голдшмидт, 1,5 очко ва наманганлик Л. Грушенкова 0,5 очко жамғарди. Мусобақанинг энг ёш қатнашчиси Озода Аҳмедова ўтган йили халқаро шашка бўйича спорт мастери унвонини олганди. 17 ёшлик бу қиз шу мукофотни бу сафар ҳам оқлади.

Декабрь ойида Голландияда хотин-қиз шашкачиларнинг жаҳон чемпионати ўтказилиши олдидан Тошкент турнири муҳим синов бўлди.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 ◆ ТЕЛЕФОНЛАР Эълонлар — 338142, коммутатор — 330249 дан 330258 гача

Б. — 261. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. Р. 01797.